БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 16 (18.792). • Пайшанба, 1984 йил 19 январь • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ —МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТКАШЛАРИ ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ТЎРТИНЧИ ЙИЛИДА ЗАФАРЛАРНИ ЯНАДА КЎПАЙТИРИШ, МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ПЛАНДАН ТАШҚАРИ БИР ПРОЦЕНТ ОШИРИШ, МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ ҚУШИМЧА 0,5 ПРОЦЕНТ ҚАМАЙТИРИШГА ҚАТЪИЙ АҲД ҚИЛГАНЛАР. БУНИНГ УЧУН ҲАММА ЖОЙДА УЮШҚОҚЛИКНИ ОШИРИБ, ДАВЛАТ ВА МЕҲНАТ ИНТИЗОМИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙЛИК!

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети, Узбекистон касаба союзлари республика Совети ва Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети чорвачиликни ривожлантириш юзасидан социалистик мусобақанинг 1983 йилги якунларини кўриб чиқдилар.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети, Узбекистон касаба союзлари республика Совети ва Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Қорақалпоғистон АССР,
Андижон области,
Хоразм области,
Жиззах областининг Мирзачўл райони,
Қашқадарё областининг Қамаши райони,
Наманган областининг Задарё райони,
Самарқанд областининг Нарпай райони,
Тошкент областининг Калинин райони,
Фарғона областининг Ленинград райони.

Байроқлар Самарқанд ва Фарғона областларидан, Москва, Бўка, Боғот ва Бағдод районларидан олиб берилади.

Қуйидаги коллективлар 1983 йилда чорвачиликни ривожлантириш юзасидан республика мусобақасининг ғолиблари деб топилди:

Қорақалпоғистон АССР, Элликқалъа районидаги «Қирқ қизобод» колхози,

Бухоро область Ромитан районидаги Энгельс номли колхоз,

Хоразм область Хива районидаги Фрунзе номли колхоз,

Жиззах область Дўстлик районидаги Қ. Раҳимов номли совхоз,

Навоий область Нурота районидаги «Нурота» совхози,

Сурхондарё область Гагарин районидаги «Партия XXIV съезди» совхози,

Самарқанд область Самарқанд районидаги Дзержинский номли совхоз,

Қашқадарё область Қарши районидаги С. Раҳимов номли совхоз,

Фарғона область Узбекистон районидаги «Бўстон» наслчилик-паррандачилик совхози,

Узбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитетининг СССР 60 йиллиги номли Хоразм балиқ комбинати,

Андижон область Қўрғонтепа район матлубот союзининг бўрдоқичилик хўжалиги.

ЭНГ ЯХШИ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРГА

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Узбекистон ССР Министрлар Совети республика министрликлари ва идораларининг қишлоқ ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш юзасидан ўтказилган социалистик мусобақанинг 1983 йилги якунларини кўриб чиқдилар.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Узбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари:

Тошкент область ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармасининг **Ангрен умумий овқатланиш трести ёрдамчи хўжалиги коллективига** берилди. Бу коллектив 200 тонна, яъни 1982 йилга нисбатан 38 процент кўп гўшт етиштириб, аҳолига реализация қилишга эришган, чўчқаларни урчитиб кўпайтириш ҳисобига уларни 4,5 минг бошга етказишни таъминлаган, насл олиш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларни 103 процент, озиқ-овқат чиқитларини йиғиб, улардан фойдаланиш мажбуриятларини 166 процент бажарган. Байроқ Наманган умумий овқатланиш трестидан олиб берилади;

Кўчма Қизил байроқ **Сирдарё областидаги Киров номли канални ишлатиш бошқармаси ёрдамчи хўжалиги коллективига** берилди. Бу коллектив гўшт етиштиришни 1982 йилга нисбатан 1,8 баравар кўпайтирган, қорамол туёғини 2,7 баравар, асалари уяларини 12 процент оширган, бошқарманинг ҳар бир ходими ҳисобига 127 килограмм гўшт, 94 килограмм сут, 187 дона тухум ва 6,8 килограмм асал етиштиришга эришган. Байроқ В. И. Ленин номидаги Янгиер бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатидан олиб берилади.

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорлари, партиямиз Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг сермазмун нутқларидан илҳомланган республикамиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилини муваффақиятли якунладилар. Йилнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шу бўлдики, агросаноат бирлашмалари, коллектив пудрат, меҳнатга нарядсиз ҳақ тўлаш ва бошқа янгиликлар колхоз-совхоз ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмига айланди. Бу янгиликлар меҳнат унумдорлигини ошириш, коллективчилик ҳис-туйғусини кучайтириш, маҳсулотлар етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш, халқ турмуш фаровонлигини янада яхшилашда катта роль ўйнамоқда.

Утган йилги қишлоқ меҳнатчилари табиат ўжарликлари туфайли юз берган жуда катта қийинчиликларга қарамасдан ҳалол меҳнат билан синовлардан муваффақиятли ўтдилар. Давлатга 5 миллион 930 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етказиб берилди. Умумий пахтанинг салкам 70 проценти биринчи сортларга қабул қилинди. Шунисм диққатга сазоворки, планда кўзда тутилган 410 минг тонна ўрнига 590 минг тоннадан знёд ингичка толали пахта тайёрланди. Республикамизнинг улкан хирмонига барча областлар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшди. Хоразм области, Қорақалпоғистон АССР, Тошкент, Навоий, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё областлари юксак социалистик мажбуриятларини ҳам адо этиб, «оқ олтин» катта карвонининг байроқдори бўлди.

Партия ташкилотлари кенг халқ оммаси орасида изчиллик билан олиб бораётган оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ва идеология ишлари қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини комплекс ривожлантириш, СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишда беқиёс катта роль ўйнади ва ўйнамоқда. Республикамиз давлатга пилла, дон, сабзавот, картошка, мева-узум, полиз маҳсулотлари сотиш планларини ҳам ортиқ билан бажарди. Умумиттифоқ фондига ҳар қачонгидан кўпроқ маҳсулотлар етказиб берилди. Сут, гўшт, тухум ва бошқа хил чорва маҳсулотлари тайёрлаш анча кўпайтирилди. Буларнинг ҳаммаси партия раҳбарлик санъатининг самаралариндир.

Ўртоқ Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленумига йўллаган нутқининг текстида «Одамлар яхшироқ кайфият билан ишлайдиган бўлиб қолдилар. Иқтисодий ўсиш суръатлари кучайди, сифат кўрсаткичлари бирмунча ошди. Умуман халқ хўжалигида ижобий силжиш рўй берди. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқилган йўлнинг тўғрилигини, экономикани ривожлантириш, мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш соҳасида партия ўртага қўйган вазифаларнинг реаллиги ва асосли эканлигини тасдиқлади» деди. Совет кишиларига ва мамлакатимиз халқ хўжалиги тараққиётига берилган бу юксак баҳо серқуёш Узбекистонимиз, барча қишлоқ хўжалик ходимларимиз, айниқса азамат пахтакорларимизга ҳам берилган баҳо бўлиб, янги марраларни забт этишга чорлаши шубҳасиздир.

Пахтакорларимиз янги йил мўл ҳосилга тараддудини кучайтирмоқдалар. Қорақалпоғистон АССР хўжаликларида ернинг шўрини ювиш, зовур-коллекторларни қазиб, сизот сувни қочириш уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Боёвут районидаги Руқский номли совхозда пахта майдонлари шудгорлаб бўлинди, яхобга қондирилмонда. Гурлан районидаги «Правда», Изобоскан районидаги «Партия XX съезди» колхозлари ва бошқа қатор илғор хўжаликларда ҳар гектар ер ҳисобига 25—30 тонна органик ўғитлар тўплаш мусобақаси қизитилмоқда.

Шу кунларда агротехниканинг қишки тадбирларини тўла амалга ошириш, ерга ер қўшиш, уни текислаш, суғориш тармоқларини тартибга келтириб қўйиш баҳорда чигит экишни тез ва соз ўтказишнинг муҳим шартидир. Агросаноат бирлашмалари, уларнинг советлари кўклам тараддудини авж олдирадиган илғор хўжаликларнинг тажрибасини ҳамманинг мулкига айлантириш чораларини кўрмоғи керак. Бригада пудрати ҳозирдан бошлаб намунали йўлга қўйилмоғи зарур.

Колхозлар ва совхозлар жуда катта моддий-техника базасига эга. Республика бўйича кўкламги дала ишларига 25 мингтага яқин трактор, шу жумладан, 6 мингта ҳайдов трактори, 19 мингта сеялка, 6 мингта плуг, кўплаб бошқа хил иш қуроллари тайёрланиши керак. Афсуски, кўп жойларда ҳамон техника ремонти кучайтирилгани йўқ. Бу борада Қораўзак, Ленинобод, Бўз, Комсомолобод ва бошқа айрим районларда судралишга йўл қўйилаётир. Фарғона, Сирдарё ва Наманган областлари устаҳоналарида ремонтдан чиқарилган техника воситаларидан кўплаб нуқсонлар топилди.

Айрим хўжаликларда дала ишларидан бўшаган тракторлар, пахта териш машиналари, кўсак узиш ва чувиш механизм-агрегатларининг бир қисми ҳамон автотрактор парклариға келтирилган эмас. Механизаторлар ремонт ишларига тўла тортилмаган. Оқибатда белгиланган графиклар бажарилмай қолаётир. Бундай ачинарли аҳвол Кўқдала, Қизилтепа, Балиқчи районлари хўжаликларида кўпроқ юз бермоқда.

Ғаниматт кунларнинг ҳар дақиқасидан оқилона фойдаланиш, техника ремонтини бутун чоралар билан кучайтириш, бунинг учун барча механизаторларни сафарбар этиш зарур. «Узсельхозтехника»нинг жойлардаги устаҳоналари фаолияти шу кунинг талаблари асосида қайта қурилмоғи, зарур бўлган эҳтиёт қисмлар вақтида етказиб берилмоғи талаб этилади. «Госсельтехнадзор» ходимлари бажарилаётган ишларнинг сифати устидан мунтазам назорат ўрнатмоқлари, бракка йўл қўйган ремонтчилардан қаттиқ масъулият талаб этмоқлари лозим. Зарур топилган жойларда ремонтга қўшимча ишчи кучларини жалб этиш, барча ремонтчиларнинг унумли ишлашлари учун етарли шароитлар яратиб бериш даркор. Партия ташкилотлари коммунистларнинг авангардлик ролини таъминлашлари керак. Ремонт ишлари икки сменада ташкил этилгандагина кутилган натижага эришилади.

Кўпчилик хўжаликларда минерал ўғитлар махсус омборларда мутахассислар назоратида сақланяпти. Улардан тупроқ картограммасига қатъий амал қилинган ҳолда фойдаланилиб, юқори самарадорликка эришиляпти. Лекин айрим жойларда ўғитларга нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлиняпти. Талонторожлик ҳолларига йўл қўйилаётир. Мутахассислар, халқ назорати органларининг ходимлари бундай кўринишларга қаттиқ зарба беришлари керак. Пахта ҳосилдорлигини кўтариш учун ажратилган ўғитлар фақат шу мақсад учун қатъий нормада сарфланмоғи талаб этилади. Хўжаликлардаги органик ўғитлар жамғариш бригадаларининг фаолияти янада кучайтирилмоғи зарур.

Ўртоқ Ю. В. Андропов нутқининг текстида «Натижаларга эришилганини кўриб турибмиз. Аммо бу фақат ишнинг бошланишидир. Эндликда энг муҳими — эришилган суръатни, ишдаги умумий ижобий кайфиятни йўқотмаслик, ижобий жараёнларни тобора актив ривожлантириш керак» дейилган. Бу қимматли йўл-йўриқлардан тегишли хулоса чиқариб, кўкламги экиш мавсумини ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик билан кутиб олиш, янги йил мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратиш республикамиз пахтакорларининг шарафли бурчларидир.



Риштон районидаги Алишер Навоий номли совхозда техника воситалари қувватидан самарали фойдаланилаётганлиги туфайли йил сайин қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришга эришилмоқда. Айни кунларда совхоз устаҳоналарида иш қизғин. Техника ремонти юксак сурат ва аъло сифат билан олиб бориляпти. Халқ назоратчилари эса тайёр трактор ва агрегатларни синчковлик билан кўздан кечиришмоқда.

Суратда: совхоз халқ контроли комитетининг аъзоси, совхознинг «Қайрағоч» бўлими бошланғич партия ташкилотининг секретари Набижон Мирзакаримов механизатор Расулжон Акбаров тракторини текширмоқда.

Т. Ҳамроқулов фотоси.

КПСС Марказий Комитети декабрь (1983 йил) Пленуми қарорлари — ҳаётга!

ЗАЛВОРЛИ ЯРИМ ПРОЦЕНТ

«...Меҳнат унумдорлигини пландан ташқари ўстиришга ва маҳсулот таннархини пасайтиришга, фойдани оширишга, буюмлар сифатини яхшилашга эришилсин...»

(КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленуми қароридан)

Экономикани интенсивлаш, унинг самарадорлигини ошириш деган ифодани амалий ишлар тили билан айтадиган бўлсак, у даставвал шундан иборатки, ишлаб чиқариш натижаларини унга кетган харажатларидан тезроқ ўстириш, нисбатан камроқ ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб этган ҳолда кўпроқ натижаларга эришишдир.

Буни яхши ҳис этган республикамиз меҳнат аҳли партия Марказий Комитети декабрь (1983 йил) Пленумида олға сурилган қиммат-ли ташаббус— меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш билан бирга маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент камайтириш тўғрисидаги таклифни ҳам қизғин қўллаб-қувватлашмоқда. Бу уларнинг ўн биринчи беш йиллик план-топшириқлари нечоғли тиғиз бўлса-да, партиянинг планга қўшимча топшириғини бажариш учун ҳали қатор реал имкониятларга эга эканлигини кўрсатувчи ёрқин далолатдир.

— Комбинатимиз цех ва участкаларида бўлиб ўтган йиғилишлар ва суҳбатлар якуни шуни кўрсатдики, — деб ёзади Фарғона тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари ўртоқ К. Салоҳиддинов, — меҳнат унумдорлигини муттасил ошириб бориш йўли билан маҳсулот таннархини қўшимча ярим процент камайтиришга эришиш — корхонамизга 1,5 миллион сўмлик газлама ишлаб чиқариш ва 700 минг сўмлик маҳсулот тежаб қолиш имконини беради...

Бир корхонадагина кутилаётган самарага эътибор қилинг-а? Бутун республика миқёсидаги натижани кўз олдингизга келтиринг-чи! Шундагина ярим процент ўзининг бутун залвори билан намоён бўлади. Жумладан, саноатда 70 миллион сўмдан кўпроқ маблағ тежаб қолиниб, қурилишда 16 миллион сўм иқтисод қилинади. Автомобиль транспорти тармоғида эса бу — 3 миллион 100 минг сўмни ташкил этади.

Аммо, буларга осонгина эришиб бўлмайди, албатта. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов партия Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленумига йўллаган нутқи текстида таъкидлаганидек, **«...Эътиборни энг ўткир масалаларга, ишнинг муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқ бўлган танг жойлар деб аталмиш жойларга қаратиш зарур».** Чунки белгиланган планларнинг конкрет ижросини таъминлашимиз шарт. План — қонун! Уни бажариш керак. Бугунги кун талаби шу!

МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ ҚЎШИМЧА **0,5%** КАМАЙГАНДА:

САНОАТДА 70 миллион сўмдан кўпроқ

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА 16 миллион сўмлик

АВТОТРАНСПОРТДА 3 миллион 100 минг сўмлик маблағ тежаб қолинади

ЮКСАК МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов 17 январь куни Кремлда Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Арисмендига Ленин ордени топширди.

— Р. Арисмендининг ички ва ташқи реакция кучларига қарши, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт йўлидаги кураши Совет Иттифоқининг юксак мукофоти билан тақдирланди, — деди В. В. Кузнецов. Уругвай коммунистлари бошқа демократик кучлар билан биргаликда мана шу мардонавор курашни олиб бормоқдалар.

В. В. Кузнецов таъкидлаб ўтдики, АҚШ бошчилигидаги энг ашаддий агрессив империалистик доиралар Лотин Америкасида, бутун планетада миллий-озодлик ҳаракатларини бўғишга уринаётган, социализмга қарши «салб юриши» эълон қилган ҳозирги шароитда коммунистик ва ишчи партияларнинг, ер юзидаги барча виждонли кишиларнинг империализм ҳамлаларига қарши, ҳавфсизликни мустаҳкамлаш ва ядро ҳалокатининг олдини олиш йўлида тинчлик учун курашдаги ҳаракат бирлиги, айниқса катта аҳамиятга эгадир.

Р. Арисменди юксак мукофот учун КПССга ва Совет давлатига чуқур миннатдорчилик изҳор қилди.

— Улуғ Октябрь йўлбошчиси номидаги орденнинг топширилиши мен учун юксак шарафдир, — деди у. — Бу Уругвай Компартияси билан КПСС ўртасидаги мустаҳкам дўстликнинг далилидир. Барҳаёт марксизм-ленинизм таълимоти ва пролетар интернационализми бу дўстликнинг негизидир.

Уругвай коммунистларининг раҳбари ядро ҳалокати хавфини бартараф этиш учун, бутун дунёда тинчлик учун тинмай кураш олиб бораётган КПСС, унинг Марказий Комитетининг, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг фаолияти мислсиз катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

(ТАСС).

1984 йил 4 март СССР Олий Советига САЙЛОВ

ЯКДИЛЛИК ВАЗИЯТИДА

СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи 117-Тошкент-Октябрь сайлов округи жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари вакилларининг сайловолди кенгаши партия билан халқ бирлигининг ёрқин намойишига айланди. Кенгаш 18 январь куни В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг маданият саройида бўлди.

«Миконд» заводининг мастери Т. М. Богдашкина ўз нутқида Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Иноможон Бузрукович Усмонхўжаев мамлакат давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод қилиб кўрсатилиши якдиллик билан маъқулланганлигини айтди. У КПССнинг жангговар отряди бўлган Узбекистон Коммунистик партиясига раҳбарлик қилиб коммунизм қуриш ишига, Узбекистон экономикаси ва маданиятини равнақ топтиришга ўзининг бутун кучи, билими ва тажрибасини сарфламоқда.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси Р. Ф. Хўжаев, Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг инженери Н. Ҳ. Раззоқова, «Строймеханизация» трести партия комитетининг секретари В. В. Ерхов, Бадиий буюмлар фабрикасининг директори Р. Отажонова, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети комсомол комитети секретарининг ўринбосари С. Иванченко кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватладилар.

Кенгаш 117-Тошкент-Октябрь сайлов округидан **Иноможон Бузрукович Усмонхўжаевни** СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни қўллаб-қувватлаш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилди ва ундан мазкур сайлов округидан овозга қўйилишга розилик беришни сўради.

Қорақалпоғистон АССР дан СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Мўйноқ сайлов округи жамоат ва меҳнат коллективлари вакилларининг Мўйноқ шаҳрида округ сайловолди кенгаши бўлди.

Балиқ саноати Мўйноқ ишлаб чиқариш бирлашмаси консерва цехининг контролўлчов асбоблари слесари Т. Мамбетниёзов консерва цехи ишчиси Г. Ш. Қўшчонова мамлакат давлат ҳокимияти олий органи Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилганлиги округда зўр маъқуллаб кутиб олинганлигини айтди. У илғор ишчини депутатликка ўз номзоди қилиб кўрсатган меҳнат коллективларининг қарорларини қўллаб-қувватлашни таклиф этди.

Мўйноқ матлубот союзи новвойхонасининг ишчиси И. Алибекова, район касалхонасининг ҳамшираси С. Бўронбоева, «Орол» совхози директорининг ўринбосари О. Сейидназаров, бошқа нотиқлар бу таклифни қўллаб-қувватладилар.

Кенгаш **Гулсара Шароповна Қўшчонова**ни 562-Мўйноқ сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишни қўллаб-қувватлашга ва ундан шу сайлов округидан овозга қўйилишга розилик беришни сўрашга қарор қилди.

(ЎзТАГ).

Муносиб номзодлар

Тошкент лак-буёқ заводининг коллективи СССР химия саноати министри **Владимир Владимирович Листовни** 115-Тошкент-Ленин сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатди.

Наманган область Косонсой районидаги «Дўстлик» совхозининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари сайловолди йиғилишида шу хўжалик пахтачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Абдусаттор Шариповни** 107-Чортоқ сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Обид Содиқов** Самарқанд областидаги «Булунғур» совхози меҳнаткашларининг йиғилишида 108-Булунғур сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилди.

Бухоро область Свердлов районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоларининг сайловолди йиғилиши шу колхоз аъзоси **Жамила Азимовна Бозоровни** 101-Ғиждувон сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Республикада саноат паррандачилигини янада ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Узбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Узбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига биноан Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида «Узптицепром» паррандачилик республика саноат бирлашмаси тузилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Узбекистон ССР озиқ-овқат саноати министрининг ўринбосари ўртоқ Сотволди Баратбоевич **Юсуповни** Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет ва хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Узбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар мудирлигининг автомобиль хўжалиги шофёри ўртоқ Рашид Косимович **Тюменевни** Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ЮКСАК ИШОНЧГА САЗОВОР

Мамлакатда округ сайловолди кенгашлари бўлиб ўтмоқда. Кенгашларнинг қатнашчилари СССР Олий Совети депутатлигига Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбарлари, ишчилар синфининг, колхозчи деҳқонлар ва зиёлиларнинг энг яхши намояндалари номзод қилиб кўрсатилганлигини яқдиллик билан қўллаб-қувватлашларини билдирмоқдалар.

Округ кенгашларида СССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган Москвадаги 431-ўрта мактабнинг муаллимаси **Татьяна Николаевна Бокарева**, Граждан авиацияси Внуково ишлаб чиқариш бирлашмаси ИЛ-86 кемасининг командири **Анатолий Сергеевич Каледин**, Ленинграддаги 90-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртининг ишлаб чиқариш таълими инструктори-мураббийси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Борис Александрович Журавлев**, Балтика кемасозлик заводининг карусельчи токари **Иван Иванович Жирков**, Олтой моторсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари **Людмила Николаевна Коттина**, Белгород областидаги Лебедин кон-бойитиш комбинатининг экскаватор машинисти **Владимир Витальевич Лихачев**, Горький область, Арзамас районидаги «Тумановский» колхозининг сут соғувчиси **Лидия Юрьевна Агапова**, Йошкар-Ола ярим ўтказгич приборлар заводининг асбобсоз слесари **Георгий Алексеевич Томилов** номзодлари қўллаб-қувватланди.

Округ кенгашларида номзодларни қўллаб-қувватланганлари орасида Курск областидаги Михайлов кон бойитиш комбинатининг кўп юк тортадиган ағдарма машина ҳайдовчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Алексей Михайлович Чаплигин**, Новолипецк металлургия комбинати 3-прокат цехининг катта металл қиздирувчиси **Анатолий Николаевич Саушкин**, Орёл қурилиш бошқармаси — бўёқчилар бригадири **Лидия Семёновна Ададурова**, Томск «Контур» ишлаб чиқариш бирлашмасининг созловчиси **Ирина Михайловна Верещагина**, Бошқирдистондаги Белорецк металлургия комбинатининг илғор ишчиси **Лидия Михайловна Литвинова**, Воркута уйсозлик комбинатининг сувоқчи-бўёқчиси **Светлана Ивановна Абросимова**, Ижевск уйжой қуриш бошқармаси сувоқчи-бўёқчиларининг бригадири **Нина Никаноровна Митрофановалар** бор.

Харьков трактор заводининг фрезерчиси **Татьяна Дмитреевна Бурцева**, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Алексей Федосеевич Ватченко**, Қустанай областидаги Соколов-Сарбай кон-бойитиш комбинатининг экскаваторчи машинистлар бригадири **Евгений Иванович Веревочкин**, Рустави металлургия заводи мартен цехининг пўлат қуювчиси **Годерзи Севастович Панчвидзе**, Озарбайжон ССР Барда районидаги «Коммунизм» колхозининг пахта териш машинаси механик-ҳайдовчиси **Тарлан Гасан қизи Мусаева**, Нахчиван АССР Ильич районидаги «1 Май» колхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Исо Мусо ўғли Алиев** номзодлари қўллаб-қувватланди.

Жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг вакиллари Клайпедадаги «Балтия» кемасозлик заводининг кема йиғувчиси **Константинас-Ромуальдас Пятрович Кузманускас**, Молдавиянинг Дубоссари районидаги «Нистру» колхози тамакичилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Илья Михайлович Булат**, Молдавия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Иван Петрович Калин**, Латвия ССР Тукумс районидаги Яунпилс чорвачилик тажриба станциясининг машинада сут соғиш устаси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Станислав Язепович Ливманис**, Иссиқкўл область, Тўнг районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг илғор чўпони **Таштанбек Акматов**, Эстония ССРдаги «Вильянди» таянч-намуна совхозининг машинада сут соғиш устаси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Лейда Аугустовна Пейпс** мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органи депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатилганлигини қўллаб-қувватлаш ҳақида қарорлар қабул қилдилар.

Округ сайловолди кенгашларининг қатнашчилари депутатликка кўрсатилган номзодларга мурожаат этиб, СССР Олий Советига овозга қўйилишга розилик беришларини сўрадилар.

x x x

СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишлар давом этмоқда. Йиғилишларнинг қатнашчилари мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органига халқнинг энг яхши ўғил ва қизларини ўз номзодлари қилиб кўрсатмоқдалар.

Коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари орасида Красноярск ўлкаси, Пировское районидаги Калинин номли колхоз раиси **Нагим Гарифович Рахманқулов**, Брянск область, Стародуб районидаги «Красний Октябрь» совхозининг тракторчи-машинисти **Михаил Иванович Козин**, Киров область Фаленки районидаги Свердлов номли колхоз механизатори **Михаил Иванович Сунцов**, «Омскнефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмасининг оператори **Татьяна Михайловна Яшменева**, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **Виктор Максимович Мишин**, «В. И. Ленин номли ЧТЗ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори **Николай Родионович Ложченко**, Тоғли Олтой автоном область, Онгудай районидаги «КПСС XXIV съезди» колхозининг молбоқари **Светлана Ерельдеевна Ечешева**, Усть-Ординский бурятлари автоном округи, Бохан районидаги Ленин номли колхоз сут соғувчиси **Валентина Владимировна Байроновалар** бор.

Могилев область, Белиничи посёлкасидаги 1-ўрта мактаб муаллими, Белоруссия ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи **Ева Яковлевна Лобачева**, Олмаота оғир машинасозлик заводининг йиғувчи-слесарлари бригадири **Юрий Григорьевич Кузьмин**, Абхазия АССР халқ шоири **Баграт Васильевич Шинкуба**, Литвадаги Плунге районида жойлашган «Каркленей» колхозининг тракторчиси **Пранас Стасевич Мингелалар** СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатилди.

«Молдбиттрикотаж» ишлаб чиқариш бирлашмасининг каштачиси **Тамара Леоновна Ватан**, «Ригас модес» ишлаб чиқариш бирлашмасининг чевари **Тамара Владимировна Есипенок**, «Таджикхимстрой» трести 3-қурилиш бошқармасининг монтажчилар бригадири **Саидмаҳмуд Раҳмонов**, Ленинградаги 86-ўрта мактабнинг илмий мудири **Ким Грачевна Мартиросян**, Туркманистон Векилбозор районидаги «Москва» совхозининг ишчиси **Ўғилгерек Атабалов**, Эстония ССР, Йигева районидаги В. И. Ленин номли «Адавере» тажриба-намуна совхозининг чўчқабоқари **Лийви Александровна Мардилар** халқнинг юксак ишончига сазовор бўлдилар.

(ТАСС).

1984 йил 4 март СССР Олий Советига САЙЛОВ

САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИГА

ШУМАНАЙ («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Райондаги саноат, транспорт, қурилиш корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари, пахтакор ва чорвадорлар янги йилни меҳнат кўтаринкилиги билан бошладилар. Дастлабки кунданоқ СССР Олий Советига бўлажак сайлов шарафига ҳамма жойда соцалистик мусобақа бошланди. Меҳнат коллективлари зиммаларига конкрет мажбуриятлар олмоқдалар.

Район партия комитети меҳнаткашларни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумидаги нутқи текстида кўйилган вазифаларни бажаришга сафарбар этишда сайлов кампанияси имкониятларидан кенг фойдаланмоқда. Район партия комитетининг 30 нафар штатсиз лектори, 30 нафар сиёсий докладчи, 110 сиёсий ахборотчи, район «Билим» жамиятининг 400 дан ортиқ аъзоси КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленуми ва СССР Олий Совети тўққизинчи сессияси материалларини меҳнаткашлар онгига етказишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳозир районда 28 та агитпункт ишлаб турибди. Уларда 351 агитатор иш олиб бормоқда. Киров сайлов участкаси қошидаги Ж. Ешчонов мудирлик қилаётган, Шуманай сайлов участкаси қошидаги Ш. Нуратдинов мудирлик қилаётган агитпунктлар сайловчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариш масканига айлантирилган.

Район партия комитети ҳафтада бир марта агитаторлар куни ўтказмоқда. Унда бир ҳафта ичида қилинган ишларга якун ясалади, энг яхши агитаторлар иш тажрибаси ўртоқлашилади, келгуси ишлар режалаштириб олинади.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАЛАР ЧОРЛАЙДИ

17 январь куни Москвада Темир йўл министрлиги ҳамда Темир йўл транспорти ва транспорт қурилиши ишчилари касаба союзи Марказий Комитети президиуми коллегиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлди.

Темир йўл министри Н. С. Конарев КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленумининг қарорлари, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумдаги нутқида берилган баҳолар ва чиқарилган хулосалар асосида темир йўл транспорти ходимларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Бултур темир йўл транспорти ишидаги ижобий тенденциялар қайд этиб ўтилди.

Шу билан бирга темир йўл ишида ҳали камчиликлар бор, резервлардан тўлатўкис фойдаланилмаётир. Мажлисда мамлакатнинг бош транспорт конвейери бир маромда, аниқ, тўла-тўкис ва ўз вақтида ишлаши, халқ хўжалиги ва аҳолининг пассажир ва юк ташишга бўлган эҳтиёжларини энг оз харажатлар билан қондириши учун зарур чоралар тўғрисида гапирилди. Темир йўлларда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, янги техника, илғор технология, илғор иш методларини жорий этиш, тармоқнинг муҳим социал проблемаларини кенгайтириш, бошқаришни такомиллаштириш, интизомни мустаҳкамлаш, кадрлар масъулиятини оширишга катта эътибор берилди.

Коллегия мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев нутқ сўзлади.

Мажлис ишида КПСС Марказий Комитетининг, СССР Министрлар Советининг масъул ходимлари, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

(ТАСС).

Мактаб ислоҳоти тўғрисидаги лойиҳани ўқиб

ДАВР ТАҚОЗОСИ

Мамлакатимиздаги ривожланган социалистик жамият шароити маориф ҳамда ҳунар таълимида ҳал қилиш зарур бўлган долзарб проблемаларни қайта кўришни тақозо этмоқда. Масаланинг ана шундай методологик асосидан келиб чиқиб КПСС Марказий Комитети «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига ҳавола этди. Унда халқ маорифи ва ўни бошқаришни такомиллаштиришнинг илмий ва амалий негизлари атрофлича таҳлил қилиб берилган.

Лойиҳанинг олти банддан иборат «Совет жамиятида ўқитувчи» бобидаги ҳамма фикрлар айниқса тўла асосланган. Дарҳақиқат, халқ ўқитувчиси ёшларнинг маънавий оламини белгилаб берувчи такрорланмас истеъдод соҳибидир. Хўш, ана шундай ноёб қалб эгалари — ўқитувчилар тайёрлаш ва уларга ғамхўрлик қилиш борасида қандай ибратли ишлар амалга оширилмоқда?

Халқ маорифи системасини ислоҳ қилишнинг асоси — юксак савияли, ўз ишига фидокор муаллимлар армиясини етиштириш ва тарбиялашдир. Бу ишни талаблар даражасида амалга ошириш учун Лойиҳада ўқув планлари, программалари ҳамда дарсликларни қайта кўриб чиқиш, янгитдан яратиш мутлақо зарурлиги жуда ўринли белгиланган. Педагогика олий ўқув юртлари, университетларга қабул қилинувчи ёшларни танлашда уларнинг даставвал тарбиячиликка, педагогликка бўлган иштиёқи, қизиқиши ҳисобга олинниши кераклиги, ўқитувчиликка лаёқати, истеъдоди бўлган кадрларни кўпроқ қабул қилиш лозимлиги, бу муҳим ишда комсомол ва пионер ташкилотларининг махсус йўлланмалари ҳам асосий роль ўйнаши кераклиги таъкидлаб ўтилганлигини ҳам жуда тўғри деб баҳолаймиз.

Айниқса, лойиҳанинг 33-бандидаги фикрлар ниҳоятда муҳимдир. Чунки педагог кадрлар қўнимсизлиги шу кунларда аксарият мактабларда топилади. Бунинг асосий сабаблари бор. Чунончи, мактаб ўқитувчиларининг оладиган ставка маошлари, уларга кўрсатилаётган амалдаги ғамхўрликлар кўнгилдагидек эмас. Айтайлик, оддий фаррош ўзига бириктирилган синф хоналарини тозалагани учун (бирикки соат ичида) 70 сўм маош олади. Худди шу фаррошнинг ўзи бошқа мактабда ҳам ишлайди, дейлик. Унинг ойлик иш ҳақи 140 сўм бўлади. Бу жуда яхши. Ҳалол ишлабдими, қандини урсин. Афсуски, тўрт ёки беш йил олий ўқув юртида ўқиб, педагоглик ихтисосини эгаллаб келган кадрга бир ставка дарс учун ойига 100 сўм маош тўланади. Шу боис баъзан педагог кадрлар мактабларни — ўз мутахассисликларини ташлаб, бошқа соҳаларга, чунончи деҳқончилик ишларига кетиб қолмоқдалар.

Худди шунингдек, бошланғич синф ўқитувчилари билан юқори синф ўқитувчиларининг ставка маошлари ўртасида ҳам катта тафовут бор. Чунончи, болаларга билим беришнинг ибтидосини ўргатувчи, дунёқарашини шакллантирувчи бошланғич синф ўқитувчиси юқори синфда дарс берувчи ўқитувчига нисбатан ставка учун кам ҳақ олади. Бизнингча, бу тафовут ҳам тўғри эмас.

Ана шулардан келиб чиқиб, Лойиҳага қўйидаги таклифлар киритилишини истардик.

Умумий таълим мактабларининг ўқитувчилари, шаҳар ёки қишлоқ мактабида ишлашидан қатъи назар, бир хил имтиёзга эга бўлсин, улар оладиган ставка маошлари тенглаштирилган ҳолда кўпайтирилсин. Ставкага ҳақ тўлашда бошланғич синф ўқитувчисининг маоши юқори синф ўқитувчиларининкига тенглаштирилсин.

Ана шундагина Лойиҳада эътироф этилган ўқитувчи кадрлар қўнимсизлигига бизнингча, чек қўйилади. Ўз фанини ҳурматловчи, пухта билимли педагог кадрлар тўғрисидаги том маънодаги бу ғамхўрлик таълим-тарбияни юксак даражада амалга оширишга замин яратади.

Ҳайдаралн УЗОҚОВ,
А. Н. Островский номидаги Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати институтининг доценти, филология фанлари кандидати.

ЯНГИЛИКЛАР 84

МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ХИЗМАТ

Госкомсельхозтехника район бирлашмасининг ремонтчилари Денов районининг хўжаликларига янги хил хизмат таклиф этдилар. Бу ерда қишлоқ хўжалик машиналари ва механизмларини йиғадиган ва чиниқтирадиган типовой ихтисослашган цех ишлай бошлади. У янги техниканн конвейер усулида йиғишни ташкил этишга имкон берган энг янги ускуна, мослама ва приборлар билан таъминланган.

Илгари бундай ишларни хўжаликларнинг механизаторлари бажаришар ва бунинг натижасида машина-ускуналар кўпинча вақтидан илгари бузилиб турарди. Энди бўлса машинани олгач, уни тўппа-тўғри далага ҳайдаб чиқаверишлари мумкин.

Янги корхона ҳар йили 2 мингта қишлоқ хўжалик машина ва механизмини ишга шай қилиб беради. Ҳозир бу ерда кўкламги дала ишлари учун плуглар, сеялкалар, борона ва бошқа машина-ускуналар йиғила бошлади. Дастлабки ҳисобга кўра, бундай хизмат ишлари район хўжаликларининг ҳар йили 50 минг сўмдан кўпроқ пул тежашларига имкон беради.

Бу йил машина-ускуналар ишлатилишидан олдин шундай хизмат кўрсатадиган корхона Самарқанд, Қашқадарё ва Жиззах областларида ҳам қурилади.

МУРАББИЙДАН ЎРНАК ОЛИБ

Бухоро тикувчилик бирлашмасининг тикувчи-мотористи М. Аҳмедова ўзининг кўпгина ўртоқларидан икки йилга ўзиб кетиб, 1986 йил ҳисобига маҳсулот бера бошлади.

Мўмина Аҳмедова корхонанинг энг кекса ишчиларидан бири. У «Беш йилликда ўн йиллик топшириқни бажарамиз» шиори остида ўтказилаётган мусобақага биринчилар қаторида қўшилганди. Тез ва пухта тикиш, ҳар бир операцияда секундларни тежаш, сменага олдиндан тайёргарлик кўриш — тажрибали ишчи учун норма бўлиб қолди.

— Мўмина опанинг ўзи яхши ишлайди, ўз ўртоқлари ва шогирдларидан ҳам худди шуни талаб қилади, — деди унинг собиқ шогирди, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Робия Қобилова. — Мўмина опа мактабидан ўтган ёшларнинг кўпчилиги ҳозирги вақтда чиннакам уста бўлиб қолишди, графикдан ўзиб меҳнат қилишмоқда. Мен бир неча йилдан буён ўз мураббийим билан мусобақалашиб, ҳозир 1985 йилнинг сўнгги квартали ҳисобига ишламоқдаман.

Муаттар Тошева, Санда Ҳакимова каби Мўмина Аҳмедованинг бошқа шогирдлари ҳам илғорлар сафида. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ҚАРОРЛАРИ — ОММАГА!

Тошкент райони пропагандистлари КПСС Марказий Комитети декабрь (1983 йил) Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқидаги қонда ва хулосаларни тушунтириш ишида фаоллик кўрсатмоқдалар. Район партия комитетининг сиёсий маориф кабинетида малакали пропагандистлар бу соҳада жойлардаги лекторларга амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Суратда: (чапдан ўнгга, ўтирганлар) — сиёсий маориф кабинетининг консультанти Ф. Қосимов, эл ҳурматини қозониб келаётган пропагандистлар Н. Умарова, И. Абдуллаев ва Г. Рафиқова; иккинчи қаторда, (чапдан ўнгга) — «НИИхимпродукты» институти пропагандисти Г. Гелденберт, «СредазНИИлесхоз» партия ташкилоти секретарининг ўринбосари, пропагандист Л. Полонская ва пропагандист Х. Расулов.

В. Молгачев фотоси.

КООПЕРАЦИЯ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИГА

Каттақўрғон районида янги хўжаликлараро чорвачилик комплекси ишга тушди. Кенг оғилхоналарга 500 та қора-ола ғунажин жойлаштирилди. Уларни тажрибали чорвадорлар икки йилча боқадилар ва район колхоз-совхозлари учун юборадилар. Молларни боқишдаги барча сермеҳнат жараёнлар механизациялаштирилди, озуқа цехи ишлаб турибди.

СЎНМАС ЖАСОРАТ

ТОШКЕНТДА СОВЕТЛАРГА ҚАРШИ ИСЁН БОСТИРИЛГАНЛИГИНИНГ 65 ЙИЛЛИГИГА

РЕСПУБЛИКАМИЗ меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети декабрь (1983 йил) Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленуми қарорларидан илҳомланиб, юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги шароитида меҳнат қилмоқдалар. Улар ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини муваффақиятли ҳал этишга, бу билан Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб нишонлашга азму қарор қилганлар.

Ўзбекистон меҳнаткашларининг бу муваффақиятлари Ленин партияси раҳбарлигида ўлкада Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун қаҳрамонона курашларда қўлга киритилди. Ана шу кураш ва ғалабаларга 1919 йил январида Тошкентда бўлиб ўтган воқеалар ёрқин саҳифа бўлиб кирган.

1919 йилнинг қаттиқ қиш кунлари. Фронтлар ҳалқаси ичида қолган ёш Туркистон республикаси ярим йилдан кўпроқ вақтдан буён инглиз интервентлари, оқ гвардиячилар ва босмачилар хуружига мардонавор қаршилик кўрсатаётган пайтлар. Совет Туркистонининг аҳволи жуда оғир: ёқилғи, озиқ-овқат етишмас, очлик ҳукм сурар эди. Мамлакатимиз учун жуда қийин бўлган ўша пайтда маҳаллий контрреволюция инглиз-америка империализмининг кўрсатмаси ва мададида Тошкентда Советларга қарши исён кўтарди. Инглиз-америка империалистлари исённи тайёрлаш ва уни ўтказишда 1918 йил баҳорида тузилган «Туркистон ҳарбий ташкилоти» деган оқ гвардиячи яширин ташкилотга катта умид боғладилар.

Автоном республиканинг Фавқулодда комиссия органлари 1918 йил кузида шу ташкилот изини топдилар ва унинг Тошкентдаги 50 дан кўп аъзосини қамоққа олдилар. Бироқ Туркистон Фавқулодда комиссияси ўша вақтда Советларга қарши фитнанинг ипини охиригача тополмаган ва контрреволюцион ташкилотнинг ҳамма аъзоларини қўлга тушира олмаган эдилар. Натижада қамалмай қолган ташкилот аъзолари эсерлар, меньшевиклар, буржуа миллатчилари ҳамда ёлғон-яшиқ йўллар билан Туркистон Компартияси сафларига кириб олган сотқин Осипов гуруҳи билан алоқа боғладилар. Туркистон республикасининг Ҳарбий комиссари лавозимини эгаллаб турган Осипов бошчилигидаги бу гуруҳ собиқ чор офицерларидан иборат бўлиб, Қизил Армиянинг қўмондонлик лавозимларида ишлар эдилар. Исёнчиларга сўл эсерларнинг раҳбарлари актив ёрдам кўрсатдилар. Улар бу билан исёнчилар ёрдамида Туркистондаги ҳокимиятни ўз қўлларига олмоқчи бўлдилар. Советларга қарши ҳамма гуруҳлар ва ташкилотларга 1918 йилнинг 27 декабрида Тошкентда исёнчилар томонидан тузилган «Муваққат комитет» бошчилик қилди. Унга Осипов, собиқ чор полковниги Цветков ва бошқа аксилинқилобчилар раҳбарлик қилди.

Исёнчилар аввалига Совет ҳокимиятига қарши қуролли қўзғолонни 1919 йилнинг март-апрель ойларида кўтармоқчи бўлишди. Шунга кўра Тошкентдаги исён ҳамма жойда — ўлканинг барча шаҳар ва областларида Советларга қарши курашни бошлаш учун сигнал бўлиши керак эди. Лекин, уларнинг умиди пучга чиқди. Совет қўшинлари Шарқий фронтда 1918 йил декабри — 1919 йил январь ойининг бошларида кенг ҳужумга ўтдилар.

Аксилинқилоб чиларнинг исёни 1919 йилнинг 19 январига ўтар кечаси бошланди. Асосий зарба Совет ҳокимиятининг Тошкентдаги таянч нуқтаси бўлган Ҳарбий қалъа ва Бош темир йўл устахоналар (ҳозирги Октябрь революцияси номидаги тепловозремонт заводи)га қаратилди. Бу ерда Қизил гвардиянинг штаби жойлашган эди. 18 январь куни ярим тунда 300-500 кишидан иборат исёнчиларнинг катта отряди қалъага ҳужум бошлади. Қалъа ҳимоячилари душманни 50 қадамгача яқин келтириб, шундай ўт очдиларки, исёнчилар чекинишга мажбур бўлди.

МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИККА учраган хоин Осипов шаҳардаги тартибсизликка қарши кураш чораларини муҳокама қилиш баҳонаси билан 18 январдан 19 январга ўтар кечаси, комиссарларни 2-полк казармаларига чақирди. Бу ерда исёнчиларнинг штаби жойлашган бўлиб, улар ҳукумат раҳбарлари ва Тошкентнинг совет раҳбарларини вақшиёнарча қийнаб ўлдирдилар. Туркистоннинг 14 комиссари, ўлкада Совет ҳокимиятининг ғалабасини таъминлаш ва мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшган оташин большевиклар — Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг Раиси В. Д. Вотинцев, Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Советининг Раиси В. Д. Фигельский, Тошкент шаҳар Советининг раиси Н. В. Шумилов, Тошкент шаҳар Совети раисининг ўринбосари В. Н. Финкельштейн, республика касаба союзлари Советининг раиси М. С. Качуринер, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг аъзоси А. Я. Першин, алоқа йўллари халқ комиссари Е. П. Дубицкий, ички ишлар халқ комиссари А. Н. Малков, Туркистон фавқулодда комиссиясининг Раиси И. П. Фоменко, партия дружинаси командири Д. Г. Шпилков, Тошкент шаҳар партия комитетининг аъзоси С. П. Гордеев, Туркистон республикаси ҳарбий-дала судининг раиси А. В. Червяков, «Красноармеец» газетасининг муҳаррири М. Н. Троицкий ва шаҳар бошлиғининг ёрдамчиси Г. И. Лугин оқ гвардиячилар қўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар.

Туркистоннинг кўзга кўринган 14 комиссарининг ҳалок бўлиши контрреволюцияга зарба бериш ишини бирмунча қийинлаштирган бўлса-да, тирик қолган большевиклардан Д. И. Манжара, Низомиддин Хўжаев, С. З. Рубцов, П. И. Ильясов, А. А. Казаков, Усмон Бапишев ва бошқалар Тошкент ишчилари ва барча меҳнаткашларини исёнчиларга қарши кўтардилар.

Бош темир йўл устахоналарининг ташвишли гудоғи билан Улуғ Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилишга тайёр турган барча фидокорлар шу ерга тўплана бошлади. Булар қуролланган ва қуролсиз ишчилар, 4-Туркистон полкининг жангчилари, ҳарбий инструкторлар, Оренбург мактабининг курсантлари, партия дружиналарининг аъзолари эдилар. Шундай қилиб, устахоналарда 1500 га қадар ишчи ва қизил аскарлар тўпланди. Устахоналарга улар билан биргаликда кўпдан кўп ўзбек меҳнаткашлари — Низомиддин Хўжаев ва Миркомил Миршаропов бошчилигидаги Эски шаҳар партия дружинасининг аъзолари, Н. Бобожонов бошчилигидаги Эски шаҳар милицияси отряди, қизил аскарлар, қизил гвардиячилар ва Эски шаҳар ишчилари ҳам етиб келишди.

1919 йилнинг 19 январида Эски шаҳар район партия комитетининг секретари Ҳасан Тўраев, Очил Бобожонов, С. Қосимхўжаев ташаббуси билан Эскижува майдонида меҳнаткашларнинг митинги бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан коммунистлар исёнчиларнинг мақсадини тушунтириб бердилар ва ўзбек меҳнаткашларини Совет ҳокимиятини ҳимоя қилишга даъват этдилар. Митингдан кейинок Ҳасан Тўраев, С. Қосимхўжаев, О. Бобожонов, А. Толипов ва бошқалар исёнчиларга қарши кураш учун ўзбек меҳнаткашларини уюштиришга киришдилар.

Ўша қийин кунларда Эски шаҳар меҳнаткашлари рус ишчилари, қизил аскарлар билан елкама-елка туриб шаҳарни қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар. РКП (б) Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг Туркистондаги вакили П. А. Кобозев Туркистон Республикаси Советларининг VII съездида Тошкентнинг Эски шаҳар меҳнаткашларининг исёнчиларни тор-мор этиш ишига кўшган ҳиссасини таъкидлаб, **«ўртоқ мусулмонлар устахоналарга қуролли кучлар билан бирга келдилар ва Эски шаҳарда Совет ҳокимиятини ўз кўраклари билан ҳимоя қилдилар»**, деб айтган эди.

Бош темир йўл устахоналарида тўпланган ишчилар, Қизил аскарлар, курсантлар, Эски шаҳар меҳнаткашлари комиссарлардан ваҳшиёна ўч олинганлигини эшитиб тезда исёнчиларга қарши кўраш бошлашни талаб қилиб чиқдилар. Шу масалага бағишланган митингда коммунист А. А. Казаков бошчилигида Муваққат ҳарбий-революцион Совет сайланди.

Ўша кезларда исёнчилар шаҳарнинг барча районларини босиб олган эдилар. 19 январь кечқурунга келиб Совет ҳокимияти ҳимоячилари ихтиёрида фақат темир йўл устахоналари ва Ҳарбий қалъа қолган эди. Лекин Тошкентдаги Совет ҳокимиятининг бу ики таянч нуқтаси ўртасида дастлабки кезларда алоқа бўлмади. Қалъа ҳимоячилари устахоналар билан 19 январдагина алоқани тиклашга муваффақ бўлдилар. Натижада исёнчиларга қарши биргаликда ҳаракат қилиш имкони туғилди.

19 январдан 20 январга ўтар кечаси бўлиб ўтган Ҳарбий революцион Совет ва ҳарбий қисм командирларининг кенгашида исёнчиларни тор-мор этиш плани ишлаб чиқилди. Шунга мувофиқ 20 январь куни эрталаб соат 6 да артиллерия тайёргарлигидан кейин исёнчилар уясига қарши кураш бошланиб, кеч соат етигача давом этди. Совет қўшинлари ва ишчи дружиналари шаҳарни қадамбақадам исёнчилардан тозалай бошладилар. Исёнчилар айниқса ўз штаби — 2-полк казармаси учун қаттиқ қаршилик кўрсатди. Лекин Совет ҳокимияти ҳимоячиларининг шиддатли зарбасига чидай олмай омон қолганлари кечаси соат 3 да шаҳарни ташлаб чиқа бошлади. 21 январь куни пешинда бутун Тошкент оқ гвардиячилардан тозаланди.

ТОШКЕНТДА оқ гвардиячилар исён кўтарганлиги ҳақидаги хабар революция доҳийси В. И. Ленинга етказилганда, у жуда хавотирланиб, катта ташвиш тортди. Кекса большевик, РСФСР ҳукумати ҳузуридаги Туркистон Марказий Ижроия Комитети ваколатхонасининг аъзоси С. В. Теодоровичнинг айтишича, Владимир Ильич А. А. Казаковнинг Тошкентдаги исён ҳақидаги радиограммасини ўқиб чиқиб, Туркистон вакилларига бундай деган: **«Биз тушуниб турибмиз, сизларга оғир, бизга ҳам осон эмас. Лекин туркистонлик ўртоқлар бу хоинона авантюрани тор-мор этмаганларида иш бундан ҳам хунук бўлур эди».** Шундан кейин В. И. Ленин Туркистон Республикасининг вакилларига ўлкада Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга доир кўпгина қимматли маслаҳатлар ва кўрсатмалар берди.

Контрреволюционер л а р ни тор-мор этишда Тошкент ишчилари ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Улар большевиклар раҳбарлигида шаҳарнинг барча меҳнаткашларини жипслаштириш, исёнчилар уясини тор-мор этдилар. Бу ғалабага эришишда ана шу нарса ёрдам бердики, оқ гвардиячилар жойларда мадад ололмадилар, бошқа шаҳар ва уездларда Советларга қарши кураш алангасини ёқа олмадилар. Тошкент ишчилар синфи эса республиканинг барча меҳнаткашларидан мадад олди. Тошкентга Фарғона, Қўқон, Самарқанд ва бошқа шаҳарлардан қизил аскарлар отрядлари юборилди.

Тошкент ишчилар синфи Советларга қарши исённи бостириш билан интервентлар, оқ гвардиячилар ва миллий контрреволюцияннинг ёвуз ниятларини пучга чиқариб, Совет ҳокимиятининг Ўрта Осиёдаги қалъасини ҳимоя қилиб қолдилар.

Совет халқининг озодлиги ва бахт-саодати учун мардонавор курашчилар хотираси муносиб равишда абадийлаштирилган. Тошкент шаҳрининг кўпгина кўчалари, мактаблари, хиёбонига ўн тўрт Туркистон комиссарининг номи берилган. Совет Ўзбекистони пойтахтининг темир йўл вокзали майдонида эса қаҳрамон комиссарларга ажойиб монумент ўрнатилган.

Тошкентдаги оқ гвардиячилар исёнининг тор-мор этилиши Совет ҳокимияти учун Ўзбекистон меҳнаткашлари олиб борган курашнинг ёрқин саҳифасидир.

Р. А. НУРУЛЛИН,
тарих фанлари доктори, профессор.

Тажрибакорлар минбари

ҲОСИЛГА ПУХТА ЗАМИН

Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози пахтакорлари ўтган хўжалик йилининг якунини танқидий тарзда таҳлилдан ўтказиб, 1984 йил мўл ҳосили учун пухта замин яратмоқдалар

Ўтган йили колхозимизда пахта йиғим-терими ғоятда чўзилиб кетди ва мураккаб шароитларда ўтказилди. Ҳосилнинг сўнгги граммларигача нобуд қилмай йиғиб-териб олишимиз, пахта тайёрлаш давлат плани ва социалистик мажбуриятимизни бажаришимиз шарт эди. Шу сабабли асосий ҳамда ёрдамчи ишчи кучларини сафарбар этиб, қўл теримига зўр бердик. Ана шундай оғир дамларда область ва район партия, совет ташкилотларининг амалий ёрдамларини ҳар дақиқада сезиб турдик.

1195 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 39 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтардик. Масаланинг яна бир муҳим томони табиат ўжарликлари билан кураш жараёнида бой тажриба орттирдик.

Муваффақиятга олиб келган омиллар нималардан иборат бўлди? Дала ишларини пудрат усулида ташкил этдик. Ҳар бир бригадага ер майдони, ишчи кучлари, техника воситалари, ички резервларини ҳисобга олиб, пахта етиштириш юзасидан конкрет тадбирлар белгиладик. Меҳнат интизомини ҳар қачоқигидан ҳам мустаҳкамлаш, коммунистларнинг авангардлик ролини таъминлашга алоҳида эътибор бердик.

Колхозимиз территориясида ер ости сувлари жуда юза жойлашган, уни камайтирмай туриб пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиб бўлмайди. Ирригатор-мелиоратор кадрларимиз механизаторларимиз билан ҳамкорликда зовур-коллекторларни чуқурлаштириш тадбирларини белгиладилар. Шу мақсад учун кўплаб тупроқ қазиш, ер текислаш машиналари, механизм-агрегатлари ажратилди. Шундай қилиб, экинзорларнинг мелиоратив ҳолати анча яхшиланди.

Азамат механизаторларимиз шу кунларда ҳам зовур-коллекторларни тозалаш ва чуқурлаштириш ишларини жадаллик билан олиб, бормоқдалар. Уларнинг унумли ишлашлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб беряпмиз. Тажриба шуни исботладики, ирригация-мелиорация ишлари қиш фаслида муваффақиятли амалга оширилганда, кўкламги дала ишларини қисқа фурсатларда ўтказиш имконияти яратилади. Пахта ҳосилдорлиги гектар ҳисобига 4—5 центнер, ҳатто ундан зиёдроқ кўтарилади. Кўсакларнинг очилиши тезлашади. Биринчи сорт пахта кўпаяди. Бизнингча, барча колхозлар ва совхозларда ҳозирги ғанимат кунларда ирригация-мелиорация ишлари бутун чоралар билан кучайтирилмоғи керак.

Пахта беда алмашлаб экишни кенг жорий этиш ҳақида кўп гапиряпмиз. Амалий ишлар ҳам қиляпмиз. Лекин бу борада жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганидан кўз юмишимиз мумкин эмас. Пахта майдонларини кенгайтириш зарур бўлса, муддати етган ёки етмаганидан қатъи назар, бедазорлар, маккажўхоризорлар шудгорланади. Бу алмашлаб экиш схемасини бузиш-ку! Уч йиллик беда ҳар гектар ер ҳисобига 450-500 килограммгача минерал ўғитлар тўплаб беради-ку! Бедазор, маккажўхоризорларни шошма-шошарлик билан бузаверсак, чорва моллларнинг озуқа базаси нима бўлади?

Бизда шундай қоида бор: алмашлаб экиш муддати келмас экан, ҳар қандай вазиятда ҳам бедазор, маккажўхоризорларнинг бузилишига асло йўл қўйилмайди. Алмашлаб экиш схемасига қатъий риоя қилинади. Пахта майдонларини кенгайтириш учун янги ерлар керак бўлса, ташландиқ-партов, қўриқ, дашт ерларни ўзлаштириш мумкин. Бундай имкониятлар ҳар бир хўжаликда озмин-кўпми топилади. Бу ишда хўжаликларнинг раҳбарларни, айниқса, мутахассисларнинг масъулиятини ошириш керак. Демоқчимизки, колхозимизда алмашлаб экиш схемасига амал қилиниши оғир шароитларда ҳам пахтадан кутилганча ҳосил олиш имкониятини берди.

Ниҳоят, сув таъминоти масаласида икки оғиз сўз. Оқар сув нечоғли кўп бўлмасин, ундан оқилона фойдаланилмаса, кутилган натижага эришиб бўлмайди. Сув таъминотини яхшилаш учун шу кунлардан тараддуд кўриш керак. Юқорида айтиб ўтилганидек, ирригация-мелиорация тармоқлари билан бир қаторда ариқлар, дамбалар, сойларни тартибга келтириб, мустаҳкамлаб қўйиш лозим. Ўқариқлар узунлиги 40-50 метрдан ошмагандагина сув исроф бўлмайди.

Т. Шамсутдинов, О. Тешабоева, Э. Жўрабеков, Ф. Сефершаевлар бошлиқ бригадаларимиз ҳар гектар майдондан 43-45 центнердан «оқ олтин» олаётган эканлар, бунинг боиси шундаки, ажратилган минерал ўғитларни кўз қорачиғидек асрайдилар. исрофгарчиликка йўл қўймайдилар. Энг яхши агротехника муддатларида ерга соладилар, ундан ташқари ҳар қандай шароитда ҳам гектар ҳосилига 25—30 тонна органик ўғитлар жамғарадилар.

Колхозимизда органик ўғитлар жамғариш бригадалари йил-ўн икки ой ишлашади. Хўжалик фермаларидан ташқари колхозчиларнинг молхона-қўйхона, парандахоналаридан ҳам ўғитлар ташиб чиқарадилар. Бу йил ерларни шудгорлашдан олдин гектарига 15-16 тоннадан органик ўғит берилди. Ўғитлар бутун қиш фасли давомида тупроқ қатламини қиздириб, донадорлигини ошириди. Фойдали бактерияларни ҳаракатга келтиради. Қиш фаслида пахтазорларни етарли миқдорда минерал ва органик ўғитлар билан ўғитлаб олган деҳқонлар мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратган бўладилар.

Агротехниканинг бошқа муҳим тадбирларини ҳам изчиллик билан амалга оширмоқдамиз. Дала ишларининг боришини мутахассислар назорат остига олганлар. Кунлик графикларни миқдор ва сифат жиҳатдан ортиғи билан бажарган сувчилар рағбатлантирилиб борилаётир.

Устахонада ремонт ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. 12 та ҳайдов трактори, 28 та универсал трактори ва 28 та сеялканинг асосий қисми ремонтдан чиқарилиб, синовдан ўтказилди. Бошқа хил техника воситалари ҳам ремонт қилинмоқда. Сифат комиссияси аъзолари ремонтчиларга талабчанликни кучайтирмоқдалар.

Хуллас, 1984 йил кўклам экин мавсумини ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик билан кутиб олишини шарафли бурчимиз деб биламиз.

Турсуной РАИМОВА.
Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг раиси.

ЯНГИЛИКЛАР *84

БУХОРО. Райондаги «Маданият» колхозининг Саттор Саидов бошлиқ бригадаси пахтакорлари ўтган хўжалик йилини юксак иқтисодий кўрсаткичлар билан якунлаган эдилар. Плондаги 121 минг сўм ўрнига 165 минг сўм даромад олинди. Ҳар бир кишининг йиллик меҳнат ҳақи 4,5—5 минг сўмни ташкил этди. Пахтакорлар бу йил 60 центнерлик «оқ олтин» маррасини кўзлаб, қишки ишларни қизғин олиб бормоқдалар.

Ж. ЙЎЛДОШЕВ.

ҚУРҒОНТЕПА. Фрунзе номли совхоз уруғчиликка ихтисослаштирилган. Хўжалик ўтган йили бошқа республикаларга 25,5 тонна пиёз уруғи, 5 тонна бақлажон, 7,5 тонна полиз экинлари уруғи жўнатди. Шу кунларда эртаги экинлар экишга пухта тараддуд кўрилаётир.

С. ИСМОИЛОВ.

УЙЧИ. «Гулистон» совхози пахтакорлари 1984 йил мўл ҳосилга пухта замин яратмоқдалар. 820 гектар пахта майдони ўғитланиб, чуқур шудгорлаб қўйилди. Ирригация-мелиорация тармоқлари тартибга келтирилмоқда. Далаларга органик ўғитлар чиқарилмоқда.

Қ. ТЎРАЕВ.

УНУМДОРЛИКНИ ОШИРАМИЗ, ТАННАРХНИ АРЗОНЛАШТИРАМИЗ

САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ БОЛЬШЕВИК РАЙОНИДАГИ КАРЛ МАРКС НОМЛИ КОЛХОЗ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1984 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Самарқанд область Большевик районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзолари мамлакат Озиқ-овқат программасини бажара бориб, 1983 йилги планни ва умуман беш йиллик уч йили планини муваффақиятли адо этдилар.

Хўжалик коллективи пахта етиштириш ва айниқса унинг ҳосилини йиғиб-териб олиш борасида катта ташкилотчилик ишларини амалга оширди. Ўтган йили 12300 тонна ҳосил олинди, ҳосилдорлик гектар бошига 50 центнерни ташкил этгани ҳолда план 145 процент бажарилди. Дон, мева-сабзавот маҳсулотлари, гўшт, сут, тухум, пилла етиштириш ва давлатга сотиш топшириқлари ҳам ошириб бажарилди.

Асосий қишлоқ хўжалик маҳсулоти — пахта тайёрлаш юзасидан уч йиллик план 127 процент адо этилди. Давлатга сал кам 7 минг тонна пахта қўшимча равишда сотилди, деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари барча турларини тайёрлаш топшириқларининг бажарилиши таъминланди.

Ишлаб чиқариш ҳажмларининг кўпайиши ва барча ишлаб чиқариш бўлинмаларининг хўжалик фаолияти яхшиланиши колхозчиларнинг пул даромадлари ортишига, қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуришни жадаллаштиришга ёрдам берди. Мактаби, касалхонаси ва бошқа маданий-маиший объектлари бўлган шаҳар типидаги посёлка барпо этилмоқда.

Колхоз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленуми қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов нутқида ўртага қўйилган вазифаларга амалий ишлар билан жавоб қайтариб, колхоз ишлаб чиқаришининг барча тармоқларини янада юксалтириш учун мавжуд резервлар ҳамда имкониятларни ишга солмоқдалар ва 1984 йил учун қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қиладилар.

Ерлардан яхшироқ фойдаланиш, пахта ва бошқа экинлар етиштиришнинг илғор технологияларини жорий этиш ҳисобига пахта етиштириш 12500 тоннага етказилади (пландагидан 47 процент кўп бўлади). 2500 тонна дон, 2500 тонна мева-сабзавот маҳсулотлари, 220 тонна гўшт, 1100 тонна сут, 185 минг дона тухум ва 205 тонна пилла етиштирилади. Давлатга барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планга нисбатан ва ўтган йили амалда эришилган даражадан оширилади.

Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашни янада такомиллаштириш, пахтачилик бригадаларининг учдан икки қисмини коллектив пудрат асосида ишлашга ўтказиш, хўжалик юритишнинг шу методини барча тармоқларга жорий этиш негизидир. Ишлаб чиқариш самарадорлиги оширилади, меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 6 процент кўп ўстирилади.

Реализация қилинадиган маҳсулот таннархи 0,5 процент ,бир центнер пахтанинг таннархи эса 0,6 процент арзонлаштирилишига эришилади. Шу мақсадда моддий ресурслар тежаб-тергаб сарфланади ва жамланган ишлаб чиқариш потенциалидан самарали фойдаланилади.

Пахта етиштириш ва айниқса уни йиғиб-териб олиш технологиясини изчиллик билан такомиллаштира бориб, пахта тайёрлашнинг умумий ҳажмида биринчи сортларнинг улуши 1983 йилдаги 90 процент ўрнига 94 процентга етказилади.

Ишлаб чиқариш объектлари, маданий-маиший объектлар ва уй-жойлар қурилишида колхознинг 740 минг сўм маблағи ўзлаштирилади.

Хўжаликнинг бутун коллективи партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларини амалга ошириш учун сабот билан курашмоқда, агросаноат комплексидаги бошқа шериклари билан бирга чорва қишловининг, кўкламги экин-тикин, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги жамики ишлар комплекси муваффақиятли ўтказилишини таъминлайди ва шу тариқа беш йилликнинг тўртинчи йилида юксак пировард натижага эришилади.

Социалистик мажбуриятлар Самарқанд область Большевик районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилишида қабул қилинган.

ДЗЕРЖИНСКИЙ НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ФАРҒОНА ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИНИНГ 1984 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Дзержинский номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Фарғона тўқимачилик комбинатининг коллективи КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, 1983 йилги социалистик мажбуриятларини ва ўн биринчи беш йиллик уч йили топширигини муддатидан илгари, 26 ноябрда бажарди. Қўшимча 13 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Комбинат коллективи КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленумида КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов нутқи текстида баён этилган қоидалар ва хулосаларга амал қилиб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб нишонлашга ҳаракат қилиб, 1984 йилда зиммасига қуйидаги оширилган социалистик мажбуриятларни қабул қилди:

беш йиллик тўрт йилининг топшириғи муддатидан илгари, 20 декабрда бажарилади ва пландан ташқари 16 миллион 600 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

1984 йилги давлат плани маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан 29 декабрда бажарилиб, пландан ташқари 1 миллион сўмлик маҳсулот берилади, планга қўшимча равишда 12 тонна калава ва 600 минг метр ип газлама тайёрланади.

Ишлаб чиқариш технологиясини яхшилаш, маҳсулот сифатини ошириш, хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаб сарфлаш ҳисобига 50 тонна пахта толаси, 800 минг киловатт-соат электр энергияси ва 600 гигакалория иссиқлик энергияси тежалади.

1983 йилга нисбатан ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ип йигиришда 5 процент, тўқишда 6 процент оширилади.

Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаш ҳисобига янги техника юзасидан 11 тадбир жорий этилади, қўл меҳнатининг салмоғи 0,4 процент камайтирилади.

Иқтисодий самараси 380 минг сўмга борадиган 400 та рационализаторлик таклифи жорий этилади.

Асосий касбда 700 ёш ишчи тайёрланади ва ишлаётган 1800 ишчининг малакаси оширилади.

Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш бригада формасини жорий этиш борасидаги ишлар такомиллаштирила бориб, ишчиларнинг 85 проценти шу формага ўтказилади.

Меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш, ишчи кадрлар қўнимсизлигини ва иш вақти бекор кетишини қисқартириш ҳисобига меҳнат унумдорлиги пландан ташқари 1 процент кўтарилишига эришилади. Моддий ресурслар ва энергия ресурсларини тежаб-тергаб ишлатиш ҳисобига товар маҳсулот таннархи 0,5 процент арзонлаштирилади ва пландан ташқари 0,5 миллион сўмлик фойда олинади.

Коллективни социал ривожлантириш планини амалга ошириш иши давом эттирилади, 460 ўринли учта мактабгача болалар муассасаси ҳамда 600 квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилади.

Ёрдамчи хўжалик самарадорлигини ошира бориб, комбинат меҳнаткашларига 45 тонна гўшт реализация қилинади.

Социалистик мажбуриятлар комбинат меҳнат коллективларининг йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинди.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ХАБАРЛАР ФАКТЛАР

В. И. ЛЕНИН МУЗЕЙ-КВАРТИРАСИ НОЗИРИГА ОРДЕН

ПАРИЖ, 18 январь. (ТАСС). СССР элчихонасида Париждаги В. И. Ленин музей-квартирасининг нозири, Франция Коммунистик партиясининг ветерани, Антуан Лежандрга «Ҳурмат Белгиси» орденини топшириш маросими бўлиб ўтди. А. Лежандр Ленин қадамжоларини яхши сақлаш борасидаги актив иши учун ҳамда туғилган кунига саксон йил тўлиши муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ шу орден билан мукофотланган эди. Орденни топшириш маросимида Франциянинг сиёсий ва жамоат арбоблари, ФКП активлари, «Франция — СССР» жамиятининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

А. Лежандр ТАСС мухбири билан суҳбатда қилган меҳнатимга берилган шу қадар юксак баҳо учун СССР Олий Совети Президиумига чуқур миннатдорчилигимни изҳор этишни хоҳлардим, деди. Бу мукофот — менинг учун, жаҳон пролетариати доҳийси музейини яратишда қатнашган, В. И. Ленининг Париждаги ҳаётига тааллуқли ҳужжатлар ва турли материалларни тўплаган ҳамма кишилар учун катта шон-шарафдир. Биз ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан бери олиб бораётган ишимизнинг асосий мақсади В. И. Ленининг Францияда бўлиши тўғрисидаги хотирани сақлаб қолишдан, французларни ва аввало ёшларни унинг сиёсий, давлат фаолияти ва илмий фаолияти билан таништиришдан иборатдир, деди у. В. И. Ленининг ҳаёти тўғрисида мумкин қадар кўпроқ билишлари учун имкони бўлган ҳамма ишларни қилишга интиляпмиз. Биз музейга келувчиларга СССР тўғрисида, совет кишилари эришган ютуқлар ҳақида, Совет давлати ўтказиб келаётган тинчликсевар ташқи сиёсат тўғрисида ҳам батафсил гапириб беряпмиз.

ВАРШАВАДАГИ УЧРАШУВ

ВАРШАВА. Ҳозирги кескин халқаро вазиятда Американинг янги ядро ракеталари Ғарбий Европада жойлаштирилишига қарши, дунёга солинаётган ядровий хавфга қарши курашиш барча коммунистларнинг ватанпарварлик, интернационал вазифасидир, деб таъкидланди ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Ярузельскийнинг Германия Компартияси Раиси Г. Мис бошчилигидаги ГКП делегацияси билан Варшавада бўлиб ўтган учрашувида.

Томонлар ГФРдаги реваншчи кучлар бош кўтараётганлиги муносабати билан ташвишланаётганликларини ҳам билдирдилар. Бу кучлар ГФР тузган шартномага ва битимларга хилоф равишда Европада урушдан кейинги чегаралар қайта кўриб чиқилишини талаб қилмоқдалар. Реваншчиларнинг даъволарига қарши ҳаракат қилиш зарурлиги уқтириб ўтилди.

Партиялараро масалаларни муҳокама қилиш чоғида Польша Бирлашган ишчи партияси билан Германия Коммунистик партияси ўртасидаги қардошларча ҳамкорликни бундан буён ҳам ривожлантиришга қарор берилганлиги изҳор қилинди.

(ТАСС).

ЧЕГАРАДА МОЖАРО

МЕХИКО. (ТАСС). Информация агентликларининг хабарларига кўра, 15 январь куни Эквадор билан Перу ўртасидаги чегарада қуролли тўқнашувлар рўй берди. Икки мамлакат қуролли кучлари бўлинмалари ўртасидаги отишма натижасида ўлганлар ва ярадор бўлганлар бор.

Р. РЕЙГАННИНГ АЙТГАНЛАРИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). АҚШ президенти Р. Рейган Оқ уйда телевидение орқали нутқ сўзлади. Нутқ асосан Совет-Америка муносабатларига доир масалаларга тааллуқли бўлди. Нутқнинг мазмунига қараганда, у аввало пропаганда мақсадини кўзлаган. Унда «қуролланиш пойгасини чеклашга содиқлик» тўғрисида, «тинчликсеварлик» ҳақида кўп сафсатабозлик қилинган бўлса-да, аслида Америка Қўшма Штатлари маъмуриятининг маълум позицияси баён этилди.

Вашингтондаги сиёсий кузатувчиларнинг қайд этишларича, нутқда АҚШнинг дунёда аввало ҳарбий жиҳатдан устун мавқеларни эгаллашга қаратилган йўлидан воз кечишга тайёрлигини кўрсатувчи бирон бир янги ғоя ёки конструктив таклифлар илгари сурилгани йўқ. Айни вақтда нутқда бошдан-оёқ Қўшма Штатларнинг куч-қудратини ошириш зарурлиги тўғрисида фикр билдирилган.

Буларнинг ҳаммаси Р. Рейган маъмуриятининг қурол-яроғларни, даставвал ядровий қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартириш проблемаларини ҳал этишга ёндашувида ҳеч қандай ижобий ўзгаришлар бўлмаганлигидан далолат беради.

Нутқда «Совет-Америка мулоқотини» қўллаб-қувватлаш зарурлиги тўғрисида кўп сўз айтилган бўлса-да, аммо АҚШ уни «кучни пеш қилиш позициясида» туриб олиб бориш ниятида эканлиги яна таъкидланган.

Ҳамма нарса шундан далолат бериб турибдики, АҚШ маъмурияти Оқ уй ўтказиб келаётган милитаристик сиёсат муносабати билан Қўшма Штатларнинг ўзида, Ғарбий Европада кучайиб бораётган ҳавотирликни йўқотишга интилиб, ана шу нутққа пропаганда жиҳатидан катта аҳамият бермоқда.

Американинг баъзи обзорчилари президентнинг бу нутқи биринчи навбатда Ғарбий Европа учун мўлжалланган эди, деб тўғридан тўғри айтмоқдалар.

КАСАБА СОЮЗЛАР ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШДА

ПРАГА. (ТАСС). Бу ерда Европа социалистик мамлакатлари касаба союз марказлари раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашда Болгария, Венгрия, ГДР, Руминия, Совет Иттифоқи, Чехословакия касаба союз марказларининг раҳбарлари, ПХР касаба союз ҳаракатининг намояндалари иштирок этдилар. ВҚСПС раиси С. А. Шалаев бу анжуманда совет касаба союзлари делегациясига раҳбарлик қилди. Кенгашда Ғарбий Европада Американинг ядро ракеталари жойлаштирила бошланганлиги ва улар ҳарбий тайёргарлик ҳолатига келтириб қўйилганлиги муносабати билан дунёдаги кескинлашиб кетган ҳозирги вазиятда касаба союзларнинг вазифалари муҳокама қилинди. Кенгаш қатнашчилари ҳозирги замон халқаро вазиятнинг энг муҳим проблемалари ҳусусида ўзаро фикрлашиб олдилар ва тинчлик учун, ядро фалокатининг олдини олиш учун курашда касаба союзларнинг куч-ғайратини янада активлаштириш қатъиян зарурлигини таъкидладилар.

Кенгашда Европа социалистик мамлакатлари касаба союзларининг Ғарбий Европа меҳнаткашларига ва касаба союзларига мактуби қабул қилинди.

АМЕРИКА ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ИҒВОГАРЛИК ХУРУЖЛАРИ

БАЙРУТ. (ТАСС). Ливан соҳилларига яқин сувларда изғиб юрган Американинг ҳарбий кемалари Ливан территориясини яна тўпга тутдилар. «Нью-Жерси» линкори билан «Татнолл» эсминеци Байрутнинг жанубий-шарқ қисмида жойлашган Шуайфот ва Айнаба районларини икки марта қаттиқ ўққа тутди. Жанг ҳаракатларида Байрут халқаро аэропорти яқинидаги базаларда турган Америка денгиз пиёда аскарлари ҳам иштирок этдилар. Улар пойтахт чекаларини қаттиқ тўпга тутдилар. Кўпгина уй-жой кварталларига катта зиён етказилди.

Ана шу иғвогарлик хуружлари натижасида мамлакатнинг тоғли районларида аҳвол ғеҳкинлашиб кетди. У ерда бир-бирига қарши курашаётган гуруҳлар ўртасида яна қуролли тўқнашувлар бошланди.

Америка ҳарбийлари Ливаннинг тинч шаҳарлари ва қишлоқларига мунтазам суратда ҳужум қилиб турибдилар. Шу муносабат билан, маҳаллий сиёсий кузатувчилар таъкидлашаётганидек, «кўп миллатли кучлар» деб аталмиш кучларнинг ўзагини ташкил этувчи Америка қўшинларининг агрессив ҳаракатлари Ливанда тинчликни сақлаб туриш вазифасига мутлақо даҳлдор эмас, бунинг устига ана шу ҳаракатлар Ливан проблемасини бартараф этиш муддатини чўзиб юборади. Ливан бош министри Ш. Ваззан мамлакатда вужудга келган вазият учун жавобгарликни Вашингтон зиммасига юклади.

Олинган хабарларга кўра, Тир шаҳри яқинидаги Аббосия ва Бурж-Раҳқал аҳоли пунктларида яшовчи кишилар ўтириб олиб забастовка ўтказдилар.

ДАМАШҚ. (ТАСС). «Сирия таймс» газетаси қуйидагиларни таъкидлаб ёзади: Ливанда вазият кескинлашиб бораётганлиги Исроил босқинчиларининг ва улар билан биргаликда ҳаракат қилаётган «кўп миллатли кучлар» деб аталмиш кучларнинг агрессив хуружлари оқибатидир. Улар шу араб мамлакатларида ҳанчалик узоқ вақт қолаверсалар Ливан танглиги шунчалик мураккаблашиб, чигал бўлиб бораверади. Вашингтон билан Тель-Авив, деб ёзади газета, танглик сиёсий йўл билан бартараф этилишига тўсқинлик қилиб, Ливанда барқарорлик ва тинчлик ўрнатишга қаратилган барча тадбирларни барбод этмоқдалар. Шундай бир шароитда Сурия Исроил босқинчилари билан «кўп миллатли кучлар»нинг олиб чиқиб кетилиши, мустақиллик ва суверенитетнинг қайта тикланиши йўлида Ливан халқи олиб бораётган курашни қўллаб-қувватлашни давом эттиришни ўз бурчи деб ҳисоблайди.

«ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЕФАСИ

ИМПЕРИАЛИЗМНИНГ ИЖТИМОИЙ ИЛЛАТИ

Наркомания — наркотик моддалар истеъмол қилиш натижасида пайдо бўладиган оғир касаллик бўлиб, у инсоннинг бутун организмига қаттиқ таъсир қилади ва кўпроқ марказий нерв системасини ишдан чиқаради. Бу касалга чалинган одам ҳар қандай жиноятга қўл уришдан ҳам тоймайди.

Капиталистик мамлакатларда наркоманиянинг кенг тарқалишига наркотик моддалар билан яширин савдо қилиш сабаб бўлмоқда. Бундай савдоқи ташкил этувчилар эса мўмай даромад кетидан қувиб, ўз мижозларини кўпайтириш пайидан бўлмоқдалар. Наркомания ҳаддан ташқари оғир оқибатларга олиб келаётганига қарамай, наркотик моддалар запасини борган сари кўпайтирмоқдалар. Жумладан, биргина АҚШнинг ўзида ҳозир 30 минг килограммдан зиёд ана шундай зарарли моддалар тўпланган. Ҳозирги пайтда наркомания империалистик дунёнинг, аввало АҚШнинг энг жиддий социал проблемаси бўлиб қолди. Бу офат ёшлар орасида айниқса, даҳшатли тус олянти. Расмий маълумотларга кўра, ҳозирги пайтда Қўшма Штатларда 620 минга яқин, Голландияда 15 минг, Швейцарияда 13 минг гиёҳванд бор. Улар асосан 18 дан 22 ёшгача бўлган ўсмирлардир. Сўнгги йилларда АҚШда ҳар йили гиёҳвандликдан 2000 киши ҳалок бўлаётгани қайд этилмоқда. Ғарбий Германияда эса йилига 500 га яқин киши ўлмоқда.

Бугина эмас, АҚШда юз бераётган жиноятларнинг кўпи бангилик туфайли содир қилинмоқда. Бугунги кунда Қўшма Штатларда ҳар 24 минутда қотиллик, ҳар 50 секундда йўлтўсарлик, ҳар 7 минутда зўрлаш, ҳар 49 секундда қуролли ҳужум содир бўлаётган экан, бунда наркоманиянинг роли катта бўлянти.

Ғарбий Германияда чиқадиган «Франк-Фуртер рундшау» газетасининг ёзишича, кейинги пайтларда Европа ва Шимолий Америка шаҳарларида ниҳоятда ўткир наркотиклар пайдо бўла бошлади. Натижада гиёҳвандлар аҳволи янада танглашди. Дорини топиш учун жиноят қила бошлашди. Масалан, 1 миллиграмм героин Вашингтонда 4,5 доллар турарди. ЛСД (лизергин кислота диметиламиди) эса бошқа наркотикларга нисбатан 250 марта қиммат туради. Ҳозир ғарб бозорида пайдо бўлган обоғаин (СТП) моддаси ундан ҳам устун эмиш. Киши онгини заҳарлаб, ўзини мажруҳ қилиб қўядиган бу моддаларни топиш учун унга ўрганганлар пул топиш йўлида жиноят қилмоқдалар.

Наркотик моддаларни яширин сотишдан миллиардлаб фойда олиш Оқ уй ходимларини ҳам ўзига жалб этмай қолмади. Президентнинг миллий хавфсизлик бўйича ёрдамчиси Р. Аллен, меҳнат министри Р. Донован ва бошқаларнинг афюн дорилари билан савдо қилувчиларга алоқадор эканликлари фош бўлиб катта жанжал чиққанини эслаш кифоя. Ҳатто президентнинг соғлиғни сақлаш бўйича махсус ёрдамчиси Питер Борн Оқ уй ходимларини ўткир афюн билан таъминлаб турган.

Ж. ЖАЛОЛОВ,
Тошкент давлат медицина институти суд медицинаси кафедраси мудири, профессор.

Ахборот

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ХАРИДОРГИР БУЮМЛАР

Андижондаги «Электродвигатель» заводи ишлаб чиқараётган халқ истеъмол моллари-нинг тури кўпайди. Бу ерда кенг истеъмол моллари цехининг янги участкаси ташкил этилди. Унда асосий ишлаб чиқариш чиқиндиларидан алюминий қошиқлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Шу корхонада ишлаб чиқарилаётган ширин кулча пиширадиган формалар, томга ёпиладиган тунукалар ва бошқа товарларга талаб катта.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК

Учқўрғон ёғ-экстракция заводининг ходимлари бу йил ёрдамчи хўжалик самарадорлигини бир ярим баравар оширишга қарор қилдилар. Улар гўшт етиштиришни ўн тоннага, сут етиштиришни эса 65 тоннага етказишни мўлжалламоқдалар. Завод ишчилари бу ҳақда олдиндан қайғуришди: ўтган йили ферма қуришди, ҳозир эса иккинчи фермани барпо этишмоқда, эллик тонна дағал хашак ғамлаб қўйишди, уни майдалайдиган қурилма сотиб олишди. Ҳозир завод ёрдамчи хўжалигида 150 бош қорамол, шу жумладан ўттизта соғин сигир бор.

ИХТИРОЧИЛАР ТАКЛИФИ

Ангрен автомобиль ремонти заводида рационализаторлар яратган моторларни қисмларга ажратиш ва йиғиш янги стенди оғир юк ташувчи «КрАЗ» самосвалларини тез ремонт қилишга имкон берди. Бу ишда слесарларнинг меҳнат унумдорлиги бир ярим баравар ошди, иш сифати янада яхшиланди. Эндиликда Ангрен заводи Ўрта Осиёда шу маркадаги машиналарни ремонт қиладиган энг катта база бўлиб қолди.

ЎҚУВ КОРПУСИ ҚУРИЛДИ

6-қурилиш трестининг меҳнаткашлари Тошкент политехника институти учун янги ўқув корпусини қуриб бердилар. Умумий майдони қарийб 5 минг квадрат метр бўлган шинам бинода янги факультет — нефть ва газ факультетининг барча кафедра ва лабораториялари жойлашган.

Корпус олий ўқув юртлари шаҳарчасида, механика, энергетика, кон-геология ва инженерлик-физика факультетларининг бинолари билан ёнма-ён қурилди. Уларнинг ҳаммаси ягона архитектура ансамблини ташкил этди. Яқинда бу ансамбль марказида Ўрта Осиёдаги энг йирик олий ўқув юртининг, етти қаватли асосий корпуси қад кўтаради.



ТАНИШИНГ: Тошкент химия фармацевтика заводининг илғор ишчиси Х. Холматова. У ҳозир 1985 йилнинг февраль ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда.

А. Тўраев фотоси.

ФАН ВА ТЕХНИКА ОЛАМИДА

УЗОҚ САҚЛАНАДИГАН ҚУЛУПНАЙ

Ленинград совутиш саноати технология институтининг ходимлари таклиф этган метод қулупнай, сморо́дина каби резавор меваларни узоқ вақт янги ҳолича сақлашга имкон беради. Янги усул билан музлатилган ёз неъматлари келаси ҳосилгача ўз сифатини йўқотмайди.

— Озиқ-овқат программаси янги ҳолича музлатилган маҳсулотларни чиқаришни анча кўпайтиришга йўллайди: беш йиллик охиригача уларни тайёрлаш ўн етти марта кўпайиши ва йилига 35 минг тоннани ташкил қилиши лозим, — деди техника фанлари кандидати Р. Диденко. — Ленинград области ҳам бунга катта ҳисса қўшиши мумкин. Бу ерда ҳар йили минг тоннадан кўп резавор мева етиштирилмоқда.

Олий ўқув юртимизда ўн бир хил резавор мева ўрганилиб чиқилди. Шулардан 9 таси музлатишга тавсия этилди, уларни сақлашнинг ҳарорат режимлари белгилаб берилди, технологияси ишлаб чиқилди. Муз «тўн» кийган резавор мева яхши консерваланади.

Москва ва Гаграда совутилган маҳсулотлар тайёрлаб чиқарувчи икки завод иши ленинградликлар технологияси самарали эканлигини тасдиқламоқда. Бу янгилик кенг кўламда жорий этишга сазовордир.

(ТАСС).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Гидрометеорология давлат комитетининг

В. А. БУГАЕВ НОМЛИ ЎРТА ОСИЁ РЕГИОНАЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лабораториялар бўйича:

математик моделлаштириш катта илмий ходими;

кичик илмий ходимлар: математик моделлаштириш, сув сатҳининг ифлосланишини ўрганиш.

Конкурс муддати — эълон босилиб чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга, директор номига юборилсин: Тошкент шаҳри, 52-алоқа бўлими, Обсерваторская кўчаси, 72-уй. Телефонлар: 33-61-13, 35-80-59.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

1984 йилда институтга киришни истовчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда шуғулланадиган 6 ойлик пуллик тайёрлов КУРСЛАРИГА ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар 1 февралдан бошланади.

Математика, география, физика, химия, биология, она тили фанлари бўйича машғулотлар ўтказилади.

Ўқишга киришни истаганлар ректор номига ёзилган аризага ўқиш учун ҳақ тўлаганлиги ҳақидаги квитанцияни қўшиб топширадилар.

Бутун курс давомида ўқиганлик учун 40 сўм миқдоридаги пул Тошкент шаҳар Давлат банки Куйбишев бўлимидаги № 000140707 ҳисоб счётига ёки институт кассасига ўтказилади.

Адресимиз: Тошкент-183, Қишлоқ хўжалик институти (115, 19, 117, 83, 49, 102-автобуслар; 102, 103, 10, 28-маршрут таксиларининг «Қишлоқ хўжалик институти» бекати).

ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК

ҲАВО ХИЗМАТДА

Ўзбекистон ғаллачилик илмий-тадқиқот институтининг олимлари билан Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлигининг мутахассислари Сирдарё ғалла қабул қилиш корхонасида эксперимент ўтказиб, дон узоқ вақт сақланганида ҳаво унинг сифати юксак бўлишини таъминлайди, деган фикрга келдилар.

Бу ерда гуруч кузатилди. Гуруч офтоб таъсири ва ҳарорат ўзгаришлари натижасида бузилади. Хўш, уни узоқ сақлаганда касалликлардан қандай қилиб сақласа бўлади. Омборда сақланаётган гуручни тез-тез қуритиб туриш зарур.

Региондаги намликнинг озлиги ва иқлимнинг қуруқлиги натижасида қиммат турадиган қуритувчи механизмлар ўрнида аэродинамик новлар ёрдамида актив шамоллатишдан фойдаланиш мумкин бўлди. Бунинг нафи икки ёқлама бўлиб чикди. Новлар гуручни қуритишидан ташқари юк тушириш вазифасини ҳам ўтайди ва шу ишда банд бўлган анчагина ишчиларнинг қўлини бўшатади. (ЎзТАГ).

ЛАТИФОБОД БОҒЛАРИ

У жуда барвақт кўчага йўл олди. Кампири Назирабону бир оз ранжиган бўлди:

— Ўзингизнинг аҳволингиз бу бўлса! Пенсияга чиқиб ҳам даладан бери келмадингиз. Энди даштга чиқаман, деяпсиз. Эшитган одам кулмайдими, ахир.

— Ўзини билмаган одам кулади, хотин. Мана кўрасан, директорга айтсам, раҳмат дейди, қўлидан келган ёрдамини аямайди.

Директор қарийб йигирма олти йилдан буён пахтачилик бригадасини бошқарган, совхознинг ҳурматли меҳнат ветеранларидан бири Абдулатиф акани илиқ қарши олди, ҳол-аҳвол сўради.

— Маза йўқ, зерикяпман, ука! — деди-да, у директорнинг олдига бир парча қоғоз қўйди. Бу ариза эди. Унда Бахмал қишлоғи ёнидан бошланувчи Ровот — Шаварда даштида ташкил этиладиган боғга боғбон қилиб ишга қабул қилишларини сўраган эди. Директор аризани диққат билан ўқиб чиққач, бўладиган гапни айтди:

— Даштда қийналиб қолмасмикансиз?

— Йўқ, Йигитали, тайёр ерга эгалик қилишни хоҳламайман. Шунинг учун ҳам шу аризани ёздим. Машақатли меҳнатнинг гашти бошқача бўлади...

...Орадан кўп ўтмай дашт ўртасида чодирдай кичкина брезент «капа» қад кўтарди. Қишлоқда дув-дув гап тарқалди: «Абдулатиф ака даштда яшаётганмиш! Даштни боғ қиламан дебди... Йигитали унга яхшигина нафақа оляпсиз, бири врач, бири муаллим, бири бухгалтер ўғилларингиз топганини тинчгина еб ётавермайсизми, демабди-да».

...Теп-текис дашт ўртасидаги чайла атрофида саккиз нафар йигит куйманар, улар уч гектарча майдонни йирик тошлардан тозалашарди. Абдулатиф аканинг эскигина араваси эса ғилдирагини ғижирлатганича даштга ёндош Бахмал қишлоғига қатнагани қатнаган эди. Кунлар ўтди. Ўртадаги «очилган» майдонга квадрат чизиқлар тортилди. Ҳар ўн қадамга иккитадан чуқурча қазилиб, аравада келтирилган гўнг аралаш тупроқ солинди.

Бир ойга етар-етмай шундай чуқурчалар сони бир неча мингтага етди. Абдулатиф ака қўлбола «шийпон»ёнида бригаданинг биринчи мажлисини ўтказди.

— Биз экадиган ҳар бир туп ниҳолимиз ширин-шакар, серҳосил мева берадиган бўлиши керак, — деди у. — Водийда машҳур боғбонлар, яхши навли токлар бор. Биз токзоримизга узумнинг ана шундай энг яхши навларидан топиб экишимиз лозим. Ҳозир айни токлар кесиладиган пайт. Эртадан ҳаммамиз қўлимизга биттадан ток қайчи олиб водийдаги миришкор деҳқонларнинг ҳовлиларига «ҳашар»га борамиз.

Ҳамма бригадирнинг тадбиркорлик билан ўйлаб топган бу фикрини маъқуллади.

...Ўша йили қиш қаттиқ совуқ билан, баҳор эса ёғинсочинсиз келди. Дашт қуриб, қақшаб ётар, унинг устига худди аксига олгандай ҳафталаб бўрон тинмасди. Наҳотки қилинган шунча меҳнат дашт узра учган қум тўзонидай совриліб кетса!

Абдулатиф ака ниҳолларни кўздан кечириб юрган эди. Шу пайт бирдан кўзғолган шамол омонатроқ турган челакни ағдариб юборди. Унинг ичидаги сув ер бағирлаб ётган ток навдасини ювиб, тупроққа сингиб кетди. Абдулатиф акага қовжираб, заранг бўлиб ётган ток новдаси бошқачароқ кўринди кетди. Энгашиб яна тикилди, сувдан юмшаб, бир энликча чўкиб қолган тупроқ юзасида кичкина ўрик ғўрасидай кўкиш нарсага кўзи тушди. Бу, новданинг ерга кўмилиб турган томонидан ниш уриб чиқаётган куртак эди... У қўлтиқтаёқни ҳам унутиб, худди ёш боладай эмаклаб, иккинчи туп ниҳол қаршисига борди. Бармоқлари билан авайлаб кавлади, кўзи яна иккита куртакка тушди.

— Ҳорманг, ҳорманг, боғбон бува!

Абдулатиф ака шундоқ ёнбошига келиб жилмайиб турган район партия комитети биринчи секретарини кўрди.

— Мен пайкалнинг ҳў этагидан бошлаб қараб келяпман. Ниҳоллар куртак чиқарибди, — деди Салимжон Марасулов хурсанд ҳолда.

— Буниси дурустку-я, лекин куртаклар ердан бош кўтаролмай, қовжираб кетмасайди, деб қўрқаман, ука. Булар сувга ташна. Бошқа ишларни тўхтатиб, йигитлар билан қишлоқдан прицепга бочка ортиб сув ташишга тушмасак бўлмайди, — деди Абдулатиф ака.

— Кўчатларга сув ташишда сизга ёрдам берамиз. Ариқ очиб, сув келтирамиз. Кўнглингиз тўқ бўлсин, — кўнгил кўтарди райком секретари.

Эртаси кун даштга сув ташишга мўлжалланган битта трактор юборилди. Совхознинг «Бахмал» бўлимидаги ўрта мактаб ўқувчилари ҳашарга келишди. Ҳамманинг қўлида биттадан пақир.

Кўпчиликдан қуён қочиб қутулмас, деганларидай, ҳар бир экилган ниҳол борки, қондириб суғорилди...

1978 йилнинг ёз ойлари эди.

Биз Фарғона область Киров районидаги машъал хўжаликларидан бири «Бешариқ» совхоз-техникуми далаларини айланиб юрардик. Бир пайт совхоз директори Йигитали Мелиев:

— Сизга бир жойни кўрсатаман. Дафтарга тушириб қўйсангиз, кейинроқ керак бўлади, — деб қолди. Машинада чўл ичкарилаб ярим соатлар чамаси юрганимиздан сўнг қишлоқ ҳам, кўкка бўй чўзиб турган адл тераклар ҳам кўринмай қолди.

Кутилмаганда яйдоқлик ўртасида худди полиз капасига ўхшаб қаққайиб турган уйча қаршисидан чиқиб қолдик.

— Абдулатиф аканинг тажриба станцияси! — деди Йигитали ака ярим ҳазил, ярим жиддий қилиб, сўнг уйча томон юраркан овоз берди. — Хў-ҳў, ким бор!

Гир айлантириб атрофига харсанг тошлар билан брезент этаклари бостириб қўйилган «уйча» ичидан бир қўлида пақир кўтарган, паста бир экилган ниҳол борки, қондириб суғорилди...

Уйча ёнбошидаги тош-ўчоққа қўйилган қумғон биқирлаб қайнаб кетди. Бир пиёла чой устида Абдулатиф ака билан гангур-гунгур суҳбатлашиб ўтирдик.

— Йигирма олти йил пахтачиликда ишладим. Кам бўлмадик. Даромад ҳам дуруст бўлди. 1973 йили соғлиғимнинг сал мазаси бўлмай пенсияга чиқдим. Лекин узоқ йиллар олдин, кўнглимга тугиб қўйган эзгу ниятим бор эди! — деди-да, Абдулатиф ака бир воқеани гапириб берди.

Улуғ Ватан уруши кунлари эди. Севастополь, Керчь шаҳарларини фашист босқинчиларидан озод этиш учун бўлган жангларда актив қатнашган Абдулатиф аканинг полки Тагановка шаҳри остоналарида душман қуршовига тушиб қолди. Қаттиқ мина портлаши зарбидан у ўн-ўн беш метрча наридаги хандаққа учиб кетди. Бу ҳам етмагандай яна бир мина портлаб, уни қалин тупроқ остига кўмиб юборди. Шу билан Абдулатиф ака икки ҳафталардан кейин дала госпиталида ўзига келди. Тепасида ёқимтойгина ҳамшира қиз жилмайиб турарди:

— Энди нима қиламиз-а, солдат бола! — ачингандай термулиб айтилган бу сўзлар маъносини у аввал тушуниб етмади. Кейин сал қимирлаган эдики... бир қўли, бир оёғи... Бутун вужудига муз югурди. Кўз олди қоронғилашиб кетди. Лекин, ҳозир мана шу меҳрибон нигоҳлар, уни ҳалокатдан сақлаб қолиш учун кечани кеча, кундузни кундуз демай қурашган шифокорлар олдида ўзини бардам тутиши лозим.

— Мени ҳаётга қайтарганларингиз учун раҳмат. Энди буёғига ҳам одамларга нафим тегиб қолар, — деди ўзини яна ҳам бардам тутишга ҳаракат қилиб.

Шундан кейин каравотга михланиб бир ярим ой ётди. Сўнг унга жавоб беришди.

Госпиталдан чиқадиган куни, ўша энг биринчи кун кўзини очиб кўрган, иссиқ чеҳрали ҳамшира қиз олдига келди. Шинелининг чўнтагида қачонлардан бери муқаддас ёдгорликдай асраб юрган икки дона қантак туршакни унга берди:

— Бешариқ деган жойдан бу. Ҳовлимиздаги ўзим экиб катта қилган ўрикдан нишона! Боғбонлик менга ота касб. Шунинг учун фронтда пайхон бўлган қанча-қанча боғларни кўриб, юрагим ачишган эди. Энди юртимга қайтгач, қўлимдан келганича яна боғбонлик қиламан.

Абдулатиф ака қишлоққа қайтгач, боғбонликни давом эттирди. Шу билан ўша даврнинг энг долзарб масаласи боғ ўз харажатини ўзи қоплайди.

Уйча ёнбошидаги тош-ўчоққа қўйилган қумғон биқирлаб қайнаб кетди. Бир пиёла чой устида Абдулатиф ака билан гангур-гунгур суҳбатлашиб ўтирдик.

— Йигирма олти йил пахтачиликда ишладим. Кам бўлмадик. Даромад ҳам дуруст бўлди. 1973 йили соғлиғимнинг сал мазаси бўлмай пенсияга чиқдим. Лекин узоқ йиллар олдин, кўнглимга тугиб қўйган эзгу ниятим бор эди! — деди-да, Абдулатиф ака бир воқеани гапириб берди.

Улуғ Ватан уруши кунлари эди. Севастополь, Керчь шаҳарларини фашист босқинчиларидан озод этиш учун бўлган жангларда актив қатнашган Абдулатиф аканинг полки Тагановка шаҳри остоналарида душман қуршовига тушиб қолди. Қаттиқ мина портлаши зарбидан у ўн-ўн беш метрча наридаги хандаққа учиб кетди. Бу ҳам етмагандай яна бир мина портлаб, уни қалин тупроқ остига кўмиб юборди. Шу билан Абдулатиф ака икки ҳафталардан кейин дала госпиталида ўзига келди. Тепасида ёқимтойгина ҳамшира қиз жилмайиб турарди:

— Энди нима қиламиз-а, солдат бола! — ачингандай термулиб айтилган бу сўзлар маъносини у аввал тушуниб етмади. Кейин сал қимирлаган эдики... бир қўли, бир оёғи... Бутун вужудига муз югурди. Кўз олди қоронғилашиб кетди. Лекин, ҳозир мана шу меҳрибон нигоҳлар, уни ҳалокатдан сақлаб қолиш учун кечани кеча, кундузни кундуз демай қурашган шифокорлар олдида ўзини бардам тутиши лозим.

— Мени ҳаётга қайтарганларингиз учун раҳмат. Энди буёғига ҳам одамларга нафим тегиб қолар, — деди ўзини яна ҳам бардам тутишга ҳаракат қилиб.

Шундан кейин каравотга михланиб бир ярим ой ётди. Сўнг унга жавоб беришди.

Госпиталдан чиқадиган куни, ўша энг биринчи кун кўзини очиб кўрган, иссиқ чеҳрали ҳамшира қиз олдига келди. Шинелининг чўнтагида қачонлардан бери муқаддас ёдгорликдай асраб юрган икки дона қантак туршакни унга берди:

— Бешариқ деган жойдан бу. Ҳовлимиздаги ўзим экиб катта қилган ўрикдан нишона! Боғбонлик менга ота касб. Шунинг учун фронтда пайхон бўлган қанча-қанча боғларни кўриб, юрагим ачишган эди. Энди юртимга қайтгач, қўлимдан келганича яна боғбонлик қиламан.

Абдулатиф ака қишлоққа қайтгач, боғбонликни давом эттирди. Шу билан ўша даврнинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб турган пахтачиликка ҳам ўз ҳиссасини қўшди, пахта бригадири бўлиб ишлай бошлади. Унинг кўкрагини иккинчи даражали Ватан уруши, Шуҳрат орденлари қаторида «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор» унвони ҳам безади.

...Орадан тўрт йилдан зиёд вақт ўтди. Ён дафтаримни варақлаб ўтириб, Абдулатиф ака Турсунов айтган гаплар ёдимга тушди. Бешариққа отландим. Совхоз идорасига кириб директорни сўрагандим, «Абдулатиф аканинг боғида» дейишди.

«Абдулатиф аканинг боғи!..» Бахмал қишлоғини иккига ёриб ўтган асфальт йўл дашт ичкарисига кириб кетганди.

— Тўрт-беш йиллар олдим бу ерлардан одам ўтишга қўрқарди. Мана энди бора-боргунимизча йўлнинг икки томони шундай боғ! — деб тушунтириб борарди ҳамроҳим, совхознинг бош экономисти Абдуқодир Азизов. — Қишлоқдан бўёғи «Латифобод», «Абдулатиф аканинг боғи» деб аталади. Эшитгандирсиз, районда ҳамманинг оғзида шу боғ таърифи. Жуда пайтда келдингиз. Ҳозир у ерда сайл ва тўй. Бутун қишлоқ ўша ерда. Районимизнинг меҳнат ветеранлари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари йиғилишган.

Ветеранлар учрашувини район партия комитетининг биринчи секретари Салимжон Марасулов бошқараётган экан. У навбатдаги сўзни Йигитали Мелиевга берди:

— Ҳар бир эзгулик ишнинг бир сабабкори бўлади, — деди совхоз директори ҳаммага бир қараб олгач. — Бундан роппароса олти йил олдин мана шу гуллаб турган боғ ўрни қандай ерлар бўлганлиги ҳақида гапириб ўтирмайман. Буни ҳаммангиз яхши биласиз. Қисқа вақт ичида мана шу қақраб ётган дашт ўрнида бир юз олтмуш гектар ерни ўзлаштириб, ўрнида сизлар кўриб турган боғ-роғ яратилган экан, бунинг ҳаммаси Абдулатиф ака ва унинг шогирдлари Ниёзали Усаров, Сирожиддин Хидиров, Азиза Худойқулова ва бошқаларнинг меҳнати, ташаббуси, жонкуярлиги сабаблидир.

Абдулатиф акага сўз берилди. У аввал саккиз кишидангина иборат бригадаси ҳозир ўттиз кишилик миришкор боғбонлар коллективига айланганлигини ғурур билан гапирди. Сўнгра энг қийин пайтларда ёрдамга келган ёш боғбон — мактаб ўқувчилари учун боғ ўртасида пионерлар лагери қурилаётгани, келгуси йил ёзда бу лагерь болаларни ўз қучоғига олишга тайёрлигини айтди-да, боғнинг рамзий калитини пионерларга топширди.

Шу куни кечқурун Абдулатиф аканинг боғида ўйин-кулги, карнай-сурнай овози алламаҳалгача янграб турди. Чунки, бу кеча даштга биринчи бўлиб қадам қўйган бригаданинг саккиз нафар йигитларидан бирининг тўйи шу ерда ўтаётган эди...

Дадахон НУРИЙ.

СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШЯПТИ?

МИЖОЗЛАР МАМНУН

Аҳолига автотехника хизмати кўрсатиш маиший хизматнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб, бу иш Сурхондарё областида йилдан йилга ривожланиб боряпти. Кейинги бир неча ой мобайнида Гагарин районидаги Абдулла Набиев номли, «Янгиобод», Денов районидаги «Ҳазорбоғ» совхозларида, Олтинсой районида гражданларнинг шахсий автомобилларини ремонт қиладиган янги очилган станциялар иш бошлади. Шеробод, Жарқўрғон районларида ҳамда «Янгиобод» совхозидаги аҳолига техника хизмати кўрсатиш станциялари анча кенгайтирилди ва янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Ҳозирги вақтда область автотехника хизмати кўрсатиш бошқармаси ходимлари автосервисни буюртмачиларнинг ҳожатини чиқарадиган ва қулай қилиб ташкил этиш борасида жиддий ишлар қиляптилар. Бу иш фақатгина техника хизмати кўрсатиш станциялари сонини кўпайтириш билангина эмас, балки янги прогрессив методларни кенг қўлланиш йўли билан ҳам амалга оширилятпи: ҳамма ишлар силжийдиган график асосида ташкил этилганлиги туфайли автотехника хизмати кўрсатувчилар шанба ва якшанба — дам олиш кунлари ҳам ишлайдилар. Бу эса мижозларга катта қулайлик туғдиряпти.

Эндиликда буюртмачи ўзига маъқул бўлган дам олиш кунларида корхонага мурожаат этиши мумкин. Бундан ташқари ремонт устахоналарида иш кунлари кеч соат 20 гача узайтирилганлиги мижозларни мамнун этмоқда.

Яна бир қулайлик яқинда жорий этилди: барча автотехника хизмати кўрсатиш станциялари ҳузурида кўчма автомастерскойлар ташкил этилди. Эндиликда мижозлар ўз машиналарини устахоналарга келтириш учун транспорт воситалари излаб юрмайдилар. Кўчма мастерскойларнинг мутахассислари енгил-елпи ремонт ишларини ўша жойнинг ўзида бажарадилар. Агарда ремонт иши мураккаб бўлса, автомашинани ўзлари устахоналарга олиб келадилар ва буюртмачининг заказини бажарадилар.

Шу кунларда Сурхондарё областининг шаҳар, район ва қишлоқларида аҳолига 20 га яқин автотехника хизмат кўрсатиш станцияси ишлаб турибди. Шу йилнинг ўзида аҳолига 400 минг сўмликка яқин автотехника хизмати кўрсатилди. Мазкур станцияларда автомобиллар, мотоцикларнинг ҳамма турлари ремонт қилиняпти, авторезиналарни вулканизация қилиш, кузов, агрегатларни алмаштириш ва уларни бўяш ишлари юқори сифатли қилиб бажарилмоқда. Айниқса, Термиз, Денов, Қумқўрғон, Ангор, Жарқўрғон автостанциялари, Шеробод, «Янгиобод», «Ҳазорбоғ» автоустаҳоналари ишидан мижозлар беҳад мамнун.

А. ХАЛИЛОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СПОРТ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

МАВСУМ БОШИДА

«Вильнюс кубоги» учун ўтказилган халқаро мусобақада жаҳон миқёсидаги натижа қайд этилди. Донецклик Сергей Бубка лангар билан сакрашда 5 метру 81 сантиметрли маррани эгаллади. Жаҳоннинг мутлақ рекордини такрорлаш учун эса яна 3 сантиметр кифоя эди. Мусобақада иштирок этган чирчиклик моҳир спортчи Геннадий Белков баландга сакраш бўйича 2 метр 28 сантиметрли натижа билан иккинчи ўринни олди.

Минскда В. Булатов хотирасоврини учун ўтказилган анъанавий мусобақада брестлик Л. Иванушкин лангар билан сакрашда (5 метр 52 сантиметр) биринчи бўлди. Тошкентлик Р. Гатаулин ҳам шундай натижага эришди. Лекин у дастлабки уринишда имкониятни бой берди ва ғолиблик супасининг иккинчи поғонасига кўтарилди. Баландга сакраш устаси тошкентлик Л. Бутузова 190 сантиметрли натижа билан ғалаба қозонди. Спортчимизнинг икки уринишда ҳам бир хил натижага эришиши мутахассислар эътиборини тортди. Бу ютуқлар енгил атлетикачиларнинг олимпиада йилини кўтаринки руҳда бошлаётганликларидан далолатдир.

БАҲСЛАР ВА ҒОЛИБЛАР

● ВОЛЕЙБОЛ. Тошкентлик динамочилар Харьковда «Локомотив» командаси (0:3), «Автомобилист» қизлари эса Минскда Ленинград трамвайтроллейбус бошқармаси коллективи (0:3) билан учрашдилар.

● ТЕННИС. Москвада «Динамо» кўнгилли спорт жамияти очиқ чемпионатида жуфт бўлиб баҳслашган тошкентлик Степанова билан Юрченколар иккинчи ўринни олишди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/I да Ғийбат, 20/I да Ғаріблар, 21/I да Инқилоб тонги.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/I да Ёшлинда ёрган кўнгил, 20/I да Ишонмасанг ўламан, 21/I да Тошкентликлар.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА 20/I да «ЭКЗОТИК ФАНТАЗИЯ» ўргатилган гамодрилар группаси (19.30).

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшитириш давлат комитети, Ўзбекистон радиоси коллективи ёшлар учун эшитиришлар бош редакциясининг Бош редактори Т. Т. Раҳмоновга отаси, 1924 йилдан буён КПСС аъзоси, республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер

Тўйчиали БАҲРОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Театр жамияти ва Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театри коллективлари Ўзбекистон Театр жамиятининг аъзоси М. Ҳамидовга ўғли ва шу академик драма театри режиссёри Р. Ҳамидовга укаси

Равшан Муҳсинович ҲАМИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Телевидение

19 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА

МОСКВА-I. 9.00—Время. 9.40 — Ўсмирлар ижоди. 10.10 — Ҳужжатли фильмлар. 10.55 — Навқирон Россия. Бадиий фильм. 8-серия. 12.10 — Саёҳатчилар клуби. 13.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.25 —Концерт. 17.05 — Артиллерия маршали К. П. Казаков билан учрашув. 17.50 — Романс. 18.00—Шахмат мактаби. 18.30 — Халқ ижодиёти. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Миллионлар ленинча университети. 20.00 — Бизнинг болаларимиз. 20.05 — Навқирон Россия. Бадиий фильм. 9-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 22.35 — Дунё воқеалари. 22.50 — Концерт.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15— Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.40 — Н. А. Некрасов. Темир йўл. 10.00 ва 13.40 — Испан тили. 11.05 — Астрономия. 11.35 — География. 12.05 — Онамларнинг мактаби. 12.40 — Тарих. 13.10 — География. 14.10 — Мактаб ўқувчиларига нон ҳақида. 14.40 — Совет ёзувчилари В. И. Ленин ҳақида. 14.40 — Девордаги кичик темир эшик. 15.05— Пролетариат диктатураси учун жавоҳирлар. Бадиий фильм. 2-серия. 16.15 — С. Капутикян поэзияси. 17.00 ва 18.30 —Янгиликлар. 18.45 — Илмий-оммабоп фильм. 18.55 — Гайдар билан биргаликда. 19.40 —Сиз яратган боғ. 20.10 — Арлезиан қизи. Сюита. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.50 — Ҳамдўстлик. 21.20 — Ҳужжатли фильм. 21.30— Время. 22.05 — Самаранинг ташвишли тунлари. Бадиий фильм. 3-серия. 23.15 —Волейбол. Уралочка — Динамо (М).

ТОШКЕНТ-I. 10.20 — Рус тили. 10.40 — Болалар учун фильмлар. 11.20 — Янгиликлар. 11.30 — Китоб—бизнинг дўстимиз. 12.10 — Алангали сўқмоқлар. Бадиий фильм. 13.25 ва 18.05 — Янгиликлар. 18.15 — Сўз кетидан сўз келар. 18.35— Ҳужжатли фильм. 18.45 — Агитпунктдан репортаж. 19.15 — Дала ишлари кундалиги. 19.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Инқилоб чавандозлари. Бадиий фильм. 23.40 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00—17.05 — Москва-II. 18.15 — Ҳужжатли фильм. 19.05 — Реклама. 19.15 — Халқ истеъмоли молларига — юқори сифат. 19.45 — Янгиликлар. 20.00 — Ёшлик. 21.30 — Москва-II.

20 ЯНВАРЬ, ЖУМА

МОСКВА-I. 9.00—Время. 9.40 — Концерт. 10.00 — Илмий-оммабоп фильм. 10.10 — Навқирон Россия. Бадиий фильм. 9-серия. 11.35 —Концерт. 13.05 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.25 — Фильм-концерт. 16.40 — Болалар учун фильм. 17.30 — Стадион ҳамма учун. 18.00 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Сайловлар олдидан. 19.45 — Халқ куйлари. 19.55 — Офицерлар. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05— Ҳужжатли фильм. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.20 — Концерт.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15— Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — Тарих. 10.05 ва 14.40 — Инглиз тили. 11.05 — Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. 11.35 ва 12.40 — В. Короленко. Ертўла болалари. 12.00 —Менга таянч нуқтасини беринг. 12.30 —Илмий-оммабоп фильм. 13.10 — География. 13.40 — Табиатшуносликдан. 14.30 — 20-30-йиллар совет манзаралари живописи. 15.00 — Звездочет. 15.45 — И. А. Гончаров. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 16.30 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ҳужжатли фильм. 18.55 — Саёҳатчилар клуби. 19.55 — Хоккей. ГФР—СССР. Танаффус пайтида (20.30) — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Ердаги одамлар. Бадиий фильм. 23.20 — Волейбол. СССР чемпионати. Медин (Одесса) — МАСК.

ТОШКЕНТ-I. 11.20 — Янгиликлар. 11.30 — Рус адабиёти. 12.00 — Аср бошида. Бадиий фильм. 13.30 ва 18.05 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.25— Ҳаёт каби тирик. 18.50 — Ҳужжатли киноленинном. 19.30 — Ахборот. 19.45 —Чорвачилик — зарбдор фронт. 20.00 — Дунё воқеалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Қора консулнинг ҳалокати. Бадиий фильм. 23.40 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 ва 16.35 — МТ-II. 18.10 — Ўқитувчилар учун консультация. 18.40 — Телефильм. 18.50 — Ёшлик. 19.20—Ҳужжатли фильм. 19.30 — Янги марралар. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Совет Иттифоқи шаҳарлари. 21.30 —Москва-II.

Радио

19 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА

Биринчи программа. 8.30 — Халқ қўшиқлари. 9.30 —Халқ талантларининг концерти. 12.10 — Транспорт ишчиси. 13.00 — Малшы. 14.00 — Менинг республикам — менинг фахрим. 18.15 — Халқаро аҳвол кундалиги. 19.25 —Юность Узбекистана. 21.00 — Икки дунё — икки турмуш тарзи. 21.10 — Жавоҳирлар сандиғи. 21.30 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Классик қўшиқлар.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент-П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16. 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Р. — 07031. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг